

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

2025-yil
9-may
juma
№59-60
(5124)

Ishonch

YURT TARAQQIYOTI YO'LIDA BIRLASHAYLIK!

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Қадрли ватандошлар!
Аввало, сиз, азизларни, кўпмиллатли бутун халқимизни кутлуг айём – Хотира ва қадрлаш куни ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган буюк Ғалабанинг 80 йиллиги билан чин қалбимдан муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурматим ва эзгу тилакларимни билдиришдан бахтиёрман.

Мана шу ҳаяжонли, айна пайтада изтиробли дамларда инсониятни фашизм балосидан ҳалос этишга муносиб ҳисса қўшган қаҳрамон аждодларимизни ёд этиб, уларнинг ёрқин хотираси олдида таъзим қиламиз.

Бугунги кунда Янги Ўзбекистонни барпо этишда олтинга тенг дуолари, маслаҳатлари билан фаол иштирок этиб келаётган муҳтарам уруш ва меҳнат фахрийларига алоҳида қутлов ва ташаккурларимизни изҳор этамиз.

Ҳеч шубҳасиз, тинч ва фаровон ҳаёт посбонлари улуғладиган ушбу мунаввар айёмда мустақиллик йилларида Ватанимиз озодлиги, халқимиз осойишталигини ҳимоя қилиш йўлида қаҳрамонларча ҳалок бўлган жасур ҳарбийларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтириш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарздор.

Азиз дўстлар!
Башарият тарихидаги энг даҳшатли қирғин бўлган Иккинчи жаҳон уруши дунё халқлари, жумладан, эл-юртимиз бошига солган оғир мусибатлар, мислсиз кулфат ва йўқотишлар ҳеч қачон унутилмайди.

Бу – замон ва макон чегарасини билмайдиган чинакам мардлик ва қаҳрамонлик сономасидир.

Бундай муаззам, шонли зафарга муносиб ҳисса қўшган матонатли халқимиз билан ҳар қанча фахрлансак, арзийди.

Кейинги йилларда жонқур олим ва мутахассисларимизнинг илмий изланишлари тўғрисида Иккинчи жаҳон уруши тарихининг янги саҳифалари билан танишмоқдамиз.

Ҳужжатларнинг далолат беришича, фашизмга қарши қонли жангларда ўша пайтада 6 миллион 800 минг нафарни ташкил этган аҳолимизнинг қарийб 2 миллион нафари иштирок этган. Шундан 540 мингга яқини ҳалок бўлган, 158 минг нафари бедарак йўқолган, 50 мингдан ортиги концлагерларда мислсиз қийноқ ва азоблар тўғрисида ҳалок бўлган, 60 мингдан зиёди ногирон бўлиб қайтган.

Ўзбекистонлик аскар ва офицерлардан 214 мингга яқини жанговар ордон ва медаллар билан мукофотланган, 301 нафари Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган юксак унвонга, 70 нафардан зиёди учала даражадаги «Слава» орденига сазовор бўлган, ҳеч шубҳасиз, юртимиз вакиллари томонидан уруш майдонларида кўрсатилган жасорат ва матонатнинг юксак амалий эътирофидир.

Мамлакатимиз уруш йилларида фронтнинг мустақам таъминот базасига айланган, республикамиздан жанг майдонларига жуда катта миқдорда ҳарбий техника, қурол-яроғ, дори-дармон, кийим-кечак, озиқ-овқат ва бошқа зарур маҳсулотлар етказиб берилгани ўша суронли даврнинг яна бир унутилмас саҳифасини ташкил этади.

Уруш олови ичида қолган ҳудудлардан юртимизга 170 дан ортиқ завод ва фабрика кўчириб келтирилди, қисқа муддатда 280 та янги корхона бунёд этилди.

Халқимиз гоёта оғир ва мураккаб шароитда уруш ҳудудларидан ўлкамизга олиб келинган 1 миллион 500 мингга яқин инсонни, жумладан, ота-онасидан ҳудо бўлган 250 минг нафар етим болани бағрига олиб, уларга меҳр-мурувват кўрсатди.

Тарих китобига муҳрланган бундай мисолларни бугун яна бир бор эсга олар эканмиз, ҳар қандай вазиятда ҳам инсоний эътиқодига содиқ қолган олижаноб ва бағрикенг халқимизнинг буюк гуманистик фазилатларига таҳсин ва тасаннолар айтаемиз.

Қадрли ватандошлар!
Сунги йилларда қаҳрамон аждодларимизнинг ҳаёти ва фаолияти, мардлик ва матонатини чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш, ёш авлодни уларнинг шонли анъаналари руҳида тарбиялаш бўйича кўп ишларни амалга оширмоқдамиз.

Бу борада Тошкент шаҳрида бунёд этилган Ғалаба боғи, ҳудудлардаги «Ватанпарвар» боғлари муҳим роль ўйнамоқда. Ушбу табаррук масканлар қисқа муддатда барча юртдошларимиз ва чет эллик меҳмонлар учун кутлуг зиёратгоҳларга айланди.

Ана шундай эзгу ишларимизнинг давоми сифатида Ғалаба боғи ҳудудида она юрт қалқонлари шарафига барпо этилган яна бир тарихий ёдгорлик – **Миллат фидойилари** мажмуаси ҳам, ҳеч шубҳасиз, гоёта муҳим аҳамиятга эга.

Ишончим комил, юзлаб марҳум баҳодир ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг номлари зарҳал ҳарфлар билан муҳрлаб қўйилган ушбу мухташам бадий обида эл-юртимиз чин дилдан интиладиган ва фахрланадиган яна бир муътабар маскан бўлиб қолади.

Ҳурматли дўстлар!
Бугунги кунда **«Инсон қаҳри учун, инсон бахти учун»** деган эзгу гоёта ҳаётимизга тобора чуқур кириб бормоқда.

Бу йил Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 10 минг АҚШ доллар миқдорига, ушбу тоифага тенглаштирилган шахсларга 25 миллион сўм, меҳнат фронти қатнашчиларига 3 миллион сўмдан бир марталик пул мукофотлари ва «Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 80 йиллиги» юбилей медаллари топширилгани муҳтарам фахрийларимизга эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир амалий ифодаси бўлди.

Уруш фахрийлари ва ногиронлари учун тиббий ва ижтимоий хизматлар, жумладан, патронаж хизмати кўрсатилмоқда. Улар ўз хоҳишларига кўра санаторийларда даволанмоқда.

Ушбу қувончли кунларда халқимиз муътабар кексаларимиз, уруш ва меҳнат фахрийларини зиёрат қилиб, уларнинг дуосини олмақда.

Тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар, ҳарбий қисмлар раҳбарлари иштирокида уруш ва меҳнат фахрийлари, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг оила аъзоларининг ҳолидан хабар олиниб, уларга зарур кўмак ва ёрдамлар кўрсатилмоқда.

Албатта, биз бугунги тинч, озод ва эркин ҳаёт учун ўзининг азиз жонини ҳам аямасдан курашган бундай фидойи инсонларнинг олдида доимо қарздормиз. Улар бундан буён ҳам давлатимиз ва жамиятимизнинг меҳрини, эътиборини ҳис қилиб яшайдилар.

Азиз ва муҳтарам юртдошлар!
Ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда ёшларимизни баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, диёримиздаги тинчлик ва барқарорликни, миллатлар ва динлараро аҳиллик ва тотувликни асраш йўлида қаҳрамон ота-боболаримизнинг Иккинчи жаҳон уруши йилларида кўрсатган сабот ва матонати биз учун ҳаммиша ибрат мактаби, куч ва илҳом манбаи бўлиб хизмат қилади.

Ушбу унутилмас айёмда сиз, азизларни, муҳтарам фахрийларимизни, бутун халқимизни яна бир бор самимий табриклар, барчангизга сийҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Юртимиз тинч, халқимиз доимо омон бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

1941-1945 йилларда Ўзбекистондан урушга 2 миллион киши сафарбар қилинган (уруш бошланган пайтда республика аҳолиси 6,8 млн. киши бўлиб, сафарбар қилинганлар тахминан 30 фоизни ташкил этган). 14 та миллий дивизия ва бригадалар тузилган. Жангларда 540 мингга яқин юртошимиз **ҳалок бўлган**. 158 минг киши бедарак йўқолган.



6-САҲИФА

МУКОФОТЛАНГАНЛАР:
– Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони билан – 301 киши;
– Шон-шараф орденининг тўлиқ кавалерлари – 70 киши;
– ордон ва медаллар билан – 200 минг киши.



Ўзбекистонга 1,5 млн. киши эвакуация қилинган. Уларнинг 250 мингдан ортиги болалар. Биргина Ленинграддан 5 мингдан ортиқ қамалда қолган болалар эвакуация қилинган.

1941 йил ноябрь ойида 22 та илмий-тадқиқот институти, 16 та олий ўқув юрти, 2 та кутубхона, 1943 йилда эса яна 40 дан ортиқ шундай муассасалар Ўзбекистонга кўчириб келинган.

1941 йилнинг июль-ноябрь ойлари оралиғида 150 дан зиёд саноат корхоналари бутун мол-мулки ва ходимлари билан Ўзбекистонга эвакуация қилинган.



Ўзбекистон аҳолиси мудофаа жамғармасига жами 649,9 млн. рубль ва салкам 55 кг. тилла, қумуш ва бошқа қимматбаҳо металлларни топширган.

- пахта хомашёси – 4,8 млн. тн.;
- пилла – 54,1 минг тн.;
- дон – 1 млн. 282 минг тн.;
- гуруч – 195 минг тн.;
- картошка ва бошқа сабзавотлар – 482 минг тн.;
- мева ва узум – 57,5 минг тн.;
- қуруқ мевалар – 36 минг тн.;
- гўшт – 159,3 минг тн.;
- жун – 22,3 минг тн. ва бошқалар.

1942–1943 йилларда қамалдаги ленинградликларга 600 вагон ун ва гўшт, 100 вагон гуруч, 60 вагон қуруқ мева етказиб берилган.

1943 йил август ойида душмандан озод қилинган ҳудудларга 1152 та трактор, 1138 та плуг, 25 та комбайн, 379 та дон экиш техникалари етказилган.



1941 йил декабрь ойига келиб, республикадаги 230 та саноат корхонасида, шўжумладан, Тошкент шаҳридаги 63 та корхонада фронт учун қурол-аслаҳа ишлаб чиқарила бошланди.

ШУ ДАВРДА
ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ
ЧИҚАРИЛГАН
ҲАРБИЙ ТЕХНИКА ВА
ҚУРОЛ-АСЛАҲАЛАР

- Самолётлар – 2 090 та;
- Авиамоторлар – 17 342 та;
- Миномётлар:
50 мм – 6 682 дона;
82 мм – 9 473 дона;
120 мм – 979 дона;
- Миналар:
50 мм – 1 944 400 дона;
82 мм – 15 377 900 дона;
- Снарядлар:
М-13 – 172 100 дона;
С-76 – 25 800 дона;
С-122 – 362 500 дона;
- Гранаталар:
РГД-33 – 274 700 дона;
РГ-41 – 50 900 дона;
РГ-42 –
412 300 дона;
Ф-1 –
346 000 дона.



МАЙ – ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

Иккинчи жаҳон урушида мардлик ва жасорат, фронт ортида матонат ҳамда инсонпарварлик намуналарини кўрсатган кўпмиллатли Ўзбекистон халқининг фашизм устидан қозонилган буюк Ғалабани таъминлашга қўшган муносиб ҳиссасини кенг миқёсда ёритиш, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фронт ортида фидокорона меҳнат қилган юртдошларимизнинг номларини абадийлаштириш, уларнинг бекиёс жасорати ва матонатини тарих саҳифаларига муҳрлаш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида, Ўзбекистон Президентининг ташаббуси билан, Тошкент шаҳрида «Ғалаба боғи» ёдгорлик мажмуаси барпо этилди.

Боғнинг очилиш маросими Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллиги тантаналарига улашиб кетди ва 2020 йил 9 май куни бўлиб ўтди.

Мажмуанинг майдони 14,6 гектарни ташкил этади. Боғ 12 та рамзий ҳудудга бўлинган бўлиб, уларнинг ҳар бирининг ўз маъноси, мазмун-моҳияти бор – уруш даҳшатлари ва аскарларнинг жанг майдонларидаги жасорати, фронт ортида меҳнат қилганларнинг матонати, қайғу ва андух, қувонч ва миннатдорлик ҳудудлари ва бошқалар.

Боққа кирaverишда беш юлдуз шаклидаги Ғалаба аркаси бунёд этилган. Мажмуа асосини Марказий хиёбон ташкил этади. Боғнинг ўрта қисмида, бош хиёбондан «Ғалаба» ордени шаклидаги фаввора жой олган.

Мажмуанинг энг юқори қисмига – қўлда яратилган қўрғон тепасига «Мангу жасорат» номли ҳайкал-тарошлик композицияси – Совет Иттифоқи Қаҳрамони, генерал-майор Собир Раҳимов ва урушда қатнашган барча ўзбекистонлик жангчилар хотирасига бағишланган монумент ўрнатилган.





ФАХРИЙЛАРГА ЭҚТИРОМ

Пойтахтимиздаги «Чинобод» санаторийида Хотира ва қадрлаш кўни муносабати билан маданий тадбир ташкил этилди. Унда сўзга чиққанлар юқори сифатли хизмат кўрсатувчи ушбу маскандаги шароитлар, малакали ходимлар муолажаларидан дам олувчилар ҳаммиша хурсанд бўлиши ҳақида гапиришди.

— Ҳар йили ўзининг кўп йиллик меҳнати билан юрт равақига катта ҳисса қўшиб, узоқ ва машаққатли йўлни босиб ўтган фахрийлар билан учрашувлар ташкил этилади, — дейди хўжалик бекаси Ҳақима Юлдашева. — Айни пайтда 64 ёшдаман. Санаторийда 23 йилдан

буён ишлайман. Ушбу тадбирда қатнашаётган аввал ишлаган ва ҳозир фаолият кўрсатаётган 100 нафарга яқин ходимлар сафида эканлигимдан хурсандман.

Санъаткорларнинг куй-қўшиқларига уланиб кетган тадбирда меҳнат фахрийларига эсдалик совғалари улашилди. Ўзбекистон давлат сатира театри томонидан сахналаштирилган Чингиз Айтматовнинг «Жамила» спектакли намойиш этилди.

Комила БОЙМУРОДОВА,
Эъзоза УМУРЗОҚОВА
(фото),
«Ishonch» мухбирлари

Ҳар бир инсон камолоти ортида фидойи устозларнинг меҳнати бор. Муаллим эккан илм дарахтлари у дунёни тарқатганидан кейин ҳам мева бераверади. Жамоамизда узоқ йиллар самарали фаолият кўрсатган Муқаддас Тиллаева ўз билими, педагогик маҳорати билан юзлаб ёшларнинг қалбидан жой олган, дилларига математика сирларини муҳрлаган устоз эди.

МУАЛЛИМА ЁДИ БАРҲАЁТ

У 1973 йил 1 ноябрда Хоразм вилоятининг Хонқа туманидаги зиёли оилада дунёга келган. 1991 йилда тумандаги 24-мактабни олтин медал билан тамомлаб, Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг математика факультетига ўқишга кирган. 1996 йилда олий таълим даргоҳини муваффақиятли тамомлаган. Иш фаолиятини ҳали ўқиб юрган кезлари Тошкентдаги 316-таълим мактабда сабоқ беришдан бошлаган. Университетни тугатгач, қишлоғига қайтиб, ўзи ўқиган мактабга математика ўқитувчиси бўлиб ишга кирган. 1999 йилдан фаолиятини 18-мактабда давом эттирган.

Муқаддас муаллима ҳар бир дарсига алоҳида ёнда-

шар, ҳаётини мисолларга кўп муурожаат қиларди.

— Устознинг ҳар бир машғулотида ўзига хос мотивация олардик, — дейди шогирди Феруза Алимова. — Ҳеч қачон дарсни бир услубда ўтмасди. Янгилик қилишни яхши кўрарди. Изланишдан тўхтамасди. Бизга ҳар доим математика энг керакли фан эканлигини уқтирарди. Форумаларни жуда осон қилиб тушунтирарди.

Дарҳақиқат, Муқаддас Тиллаева дарс жараёнида ўзи яратган 300 дан ортиқ кўргазмалардан маҳорат билан фойдаланган. 30 дан ортиқ электрон дарс ишланмаларини тайёрлаган. Шогирдлари ҳар йили математика фанидан туман, вилоят олимпиадаларида яхши натижаларни қўлга кири-

тишган. Олий ўқув юртларига ҳужжат топширган битирувчилар бу фандан юқори баллар олишган.

Афсуски, Муқаддас Тиллаева 2023 йил 3 ноябрда 50 ёшида оғир хасталик туфайли оламдан ўтди. У 28 йиллик педагогик фаолияти давомида юзлаб ёшларга таълим-тарбия бериб, ўзидан яхши ном қолдирди.

Яқинда мактабимизда устоз хотирасига бағишлаб математика фанидан беллашув ташкил қилдик. Юқори натижаларни қайд қилган ўқувчилар касабга уюшмаси томонидан рағбатлантирилди.

Шухрат НУРМЕТОВ,
Хонқа туманидаги
18-мактаб бошланғич касабга
уюшма қўмитаси раиси

ИЖРОҚҰМ ЙИГИЛИШИ

УЧ ТОМОНЛАМА КЕЛИШУВ САМАРАСИ



Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси Сирдарё вилояти кенгаши ижроия қўмитасининг навбатдаги XIX йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ҳамкор ташкилотлар вакиллари, Федерациянинг вилоят кенгаши бўлим мудирлари, тармоқ кенгашлари, вилоят бўйича масъул ташкилотчилар иштирок этдилар.

Йиғилишда ҳудудий жамоа келишувининг 2024 йил якунлари ижроси юзасидан ахборот тингланди.

— Уч томонлама ҳамкорликда аҳолини иш билан таъминлаш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда, — деди Меҳнат-кашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудир Дилмурод Пирманов. — Утган йили вилоят бўйича ижтимоий муҳофазатга муҳтож ва иш топишда қийнаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун белгиланган корхоналар сони 246 тани, уларда ишловчилар сони 30897 нафарни, банд қилинган иш ўринлари 1274 тани, шундан ногиронлар учун мўлжаллангани 491 тани ташкил этди. Ҳар ой якунида банд қилинган (қвота) иш ўринлари топширигининг йўналишлар бўйича бажарилиши таҳлил қилиб келинмоқда. Шу йилнинг 1 январь ҳолатига Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармасидан туман ва шаҳарлар кесимида олинган маълумотлар таҳлил қилинганда, 1317 нафар ишсиз фуқаро, шундан 705 нафар аёл ишга жойлаштирилгани маълум бўлди.

Шунингдек, тармоқ касабга уюшмаларида қабул қилинган жамоа шартномаларининг 2024 йилда бажарилиши якуни тўғрисида ҳам сўз бориб, масалага танқидий, таҳлилий ёндашилди. Жамоа шартномаларини тузиш қоидаларига риоя этиш, уларнинг бажарилишини таъминлаш борасида бартараф этилмай қолган айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилгани мисоллар билан очикланди. Шундан сўнг агросаноат мажмуи ходимлари касабга уюшмалари туман ва шаҳар бошланғич ташкилотларида санаторий йўлланмаларидан фойдаланишнинг аҳоли, вилоят кенгаши ижтимоий сўғурта бюджетининг 2025 йил биринчи чорагида бажарилиши ҳақидаги масалалар кўриб чиқилди. Муҳокамаларда биргаликда амалга ошириладиган ишлар юзасидан тақлифлар ўртага ташланди.

Йиғилишда қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Баҳор ХОЛБЕКОВА
«ISHONCH»

1211 ЭШИТАДИ

ДИЛДОРА ЯНГИ УЙГА КЎЧИБ ЎТДИ

Инсон ҳаётидаги баъзи синовлар уни синдириш учун эмас, аксинча, ички қудратини намойён этиши учун берилди. Тупроққалъалик Дилдора Ботирова (исми-шарифи ўзгартирилган) ҳам ана шундай оғир йўлдан ўтди — қийинчиликлар уни синдирмади, балки чархлади.

У яхши ниятлар билан кўшни маҳаллага турмушга чиққан эди. Эрининг туқаноқ хасталиги орзуларини чўқтирди. Қариндошуруғлари «Ажраш, ўзингни қутқар», дейишди. Аммо бунга виждони, тарбияси йўл бермади. Кўп ўтмай, Аллоҳ уларни эгизак қизлар билан сийлади. Бир муддат бахт кулиб боққандек бўлди.

Кейин эса қайинопасининг турмуши бузилиб, уйга қайтиши вазиятни янада қийинлаштирди. У турмуш ўртоғини ижара уйга чиқишга кўндирди. Тилла тақинчоқларини сотиб, уй қуриш учун аукционда ер олди. Маҳалла-қўй кўмагида уй пойдеворини қурди. Турмуш ўртоғи ишласлиги сабабли рўзгор қийинчилиги унинг гарданига тушди.

Камбағални урма, сўкма, тўнини йирт, деганича бор экан. У ижарада турадиган уйда яна бир оила яшарди. Газ тўловларини бирга тўлаймиз, деб келишишганди. Сабаби, газ ҳисоблагич битта. Лекин улар ваъдага вафо қилмасдан, ижара уйдан чиқиб кетишди. Газ идорасидан 600 минг сўм қарздорликни тўлаш сўмини сўмга улаб яшаётган аёлга қийин эди...

У кўмак сўраб туман ҳокимлигига борди, аммо масъуллар «Уй эгасига муурожаат қилинг», деб жавоб беришди.

Дилдора ўйлай-ўйлай, Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерациясининг 1211 рақамли «Ишонч телефони»га муурожаат қилди. Унинг додони эшитадиганлар бор экан. Дарҳол вазиятни ўрганишга киришдилар. Газдан қарз тўлаб берилди, уй қурилиши учун 11 миллион 700 минг сўм маблағ ажратилди. Маҳаллий ҳокимият ойна-эшик билан таъминлади.

Кўни кеча Дилдора не-не машаққатлар билан барпо этган янги уйга кўчиб ўтди. «Ўз уйим — ўлан тўшагим», дея ҳар бир бурчакни орзу қилганидек безатди. Қийин кунлар ҳақида ўйлашни орта ташлаб, фарзандлари учун бахтли келажак сари оидмлашни ният қилди.

— 1211 рақамига кўнғироқ қилиб, биз аёлларнинг ортида улкан тоғ турганини ҳис қилдим, — дейди у миннатдорлик билан.

Мухаббат ТҲАБОЕВА
«ISHONCH»



МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИДА ЯНГИ БОСҚИЧ

Шу кунларда Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерациясининг кенгаш ва тармоқларида 28 апрель — Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш кўни муносабати билан ташкил этилган ҳафталик доирасида «Меҳнат муҳофазасининг янги босқичи: иш жойида сунъий интеллект ва рақамлаштиришнинг роли» мавзусида тадбирлар ўтказилмоқда.

Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касабга уюшмаси Республика кенгаши ҳам таърифуфидога ташкилот, корхона ва муассасаларда меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича кўрик-таълим ҳамда тарғибот тадбирлари уюштирди. Рақамли технологиялар вазирилик, «Ўзбектелеком» АҚ, «Ўзбекистон почтаси»

АЖ ва уларнинг филиаллари, Рақамли иқтисодиёт тадқиқотлари маркази, Ахборот-кутубхона марказлари ва бошқа бошланғич ташкилотларда бўлиб ўтган машваратлар шулар жумласидан.

Йиғилишларда асосан ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, инновацион технологияларни жорий этиш орқали

меҳнатни муҳофаза қилиш каби масалалар хусусида сўз борди.

Бу каби тадбирлардан кўзланган мақсад ишлаб чиқариш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларининг олдини олиш, меҳнат унумдорлигини таъминлашдан иборатдир.

Амир АҲМЕДОВ

СУДДАН РЕПОРТАЖ

УСТАМА ПУЛИНИ ТЎЛАШ НЕГА МУАММО БЎЛМОҚДА?

Соғлиқни сақлаш ходимлари касабга уюшмаси Республика кенгашининг Фарғона вилояти бўйича меҳнат ҳуқуқ инспектори Зафаржон Қурбонов тўрт нафар муурожаатчи манфаатларини ҳимоя қилиб, фуқаролик ишлари бўйича Марғилон туманлараро судида иштирок этмоқда.

— Иш берувчи — Марғилон шаҳар Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлими раҳбарияти билан олиб борилган музокара наф бермагач, иш судда кўриладиган бўлди, — дейди у. — Санитария-гигиена бўлимида санитар врач ёрдамчиси вазифасида ишлаб келган тўрт нафар ходимга йиллар давомида иш ҳақига қўшимча 15 фоизли устама пули тўланмай келинган.

Судья даввогар ва иш берувчига сўз бериб, тарафларни тинглади. Жавобгар — Марғилон шаҳар Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлими бошлиғи Таваккал Шукуров, Мерождидин Рустамов, Шоиржон Ахунов ҳамда Баҳодир Обидов санитария-гигиена бўлимида санитар врач ёрдамчиси вазифасида ишлагани, ушбу ходимларга 15 фоизлик устама пули тўланмаслиги Иқтисодиёт ва молия вазириликнинг 2023 йил 27 июнь кунги 33/1-11958-сонли хати асос бўлгани, унга кўра, Вазирилар Маҳкамасининг 267-сонли қарорига илова-низомининг 1.19-бандида санитария-эпидемиология хизмати муассасалари бўлимлари таркибига санитария-гигиена бўлими киритилмаганини илҳам қилди.

Даввогар сифатида судда иштирок этаётган меҳнат ҳуқуқ инспектори Зафаржон Қурбонов эса қонунчилиққа, Вазирилар Маҳкамасининг 276-сонли қарорига илова-низомининг 1.19-бандига кўра, ушбу лавозимда ишловчи ходимларга лавозим маошига 15 фоиз миқдорда қўшимча тўлов белгиланганини айтиб ўтди.



— Вазирилар Маҳкамасининг «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси давлат муассасалари тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари тўғрисида»ги низомининг 1.19-бандида Санитария-эпидемиология хизмати муассасалари ходимларига «Соғлиқ учун хавфли ва меҳнат шариоитлари оғир бўлган, уларда ишлаб ходимларнинг тариф ставкасига (лавозим маошига) 15 фоиз миқдорда қўшимча тўлов белгиланган ҳуқуқини берадиган» лавозимлар ичида санитария врачлари ёрдамчилари ҳам кўрсатиб ўтилган. Шу боис ушбу муассаса ходимларига 15 фоизли устама пули тўланиши керак, — дея таъкидлади меҳнат ҳуқуқ инспектори.

Суд тарафлар тушунтиришини, прокурор фикрини тинглаб, тақдим этилган ҳужжатларни атрофлича ўрганиб, қуйидаги ҳулосага келди.

Жавобгар — Марғилон шаҳар Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлими орқали бюджет маблағлари ҳисобидан гигиена бўлимида санитар врач ёрдамчиси вазифасида ишлаб келган Таваккал Шукуров фойдасига 13 млн. 868 минг сўм, Мерождидин Рустамовга 10 млн. сўм, Шоиржон Ахуновга 12 млн. 391 минг сўм, Баҳодир Обидовга 9 млн. 331 минг сўм устама ҳақи ундириш бўйича қарор чиқарди.

— Одатда муурожаатга асосан қонунбузилиш ҳолати бўйича иш берувчи билан музокара олиб бориб, тақдимнома киритамиз. Улардан қонунбузилиш ҳолатини бартараф этишни сўраймиз. Лекин аксарият ҳолатларда иш берувчилар бунга рози бўлишмайди, — дейди меҳнат ҳуқуқ инспектори.

Муурожаатларнинг аксарияти Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлимида санитар врач ёрдамчиси бўлиб ишлаб келаётган ходимлардан келиб тушмоқда. Уларга юқорида айтилган низомада 15 фоизли устама пули тўланиши кўрсатиб ўтилган бўлса-да, тиббиёт муассасаларида бунга етарлича эътибор қаратилмай, ушбу вазифада ишловчи ходимларга устама пуллари тўланмапти.

Яқинда Қўштепа тумани Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлимининг уч нафар ходими ҳам шу масала бўйича муурожаат қилди. Уларга 2020 йил декабридан 2024 йил декабригача 15 фоиз устама пуллари тўланмасдан келинган. Ушбу ҳолат ҳам судда кўриб чиқилди. Суд қарори билан уларнинг ҳуқуқлари тикланиб, жами 40 млн. сўмдан ортиқ устама пуллари тўлаб берилди.

Жамшид ЭРГАШЕВ
«ISHONCH»

БОБОМ ҲИКОЯЛАРИ

САБР-ТОҚАТ ВА САДОҚАТ ТИМСОЛИ

Эсимда, болалик пайтларим Чирчиқ дарёсининг шундоққина биқинида жойлашган Хонобод қишлоғидаги мўъжазгина ҳовлида яшардик. Бобом изгиринли кунларда уйимиз деразасидан кўчага термулиб ўтирарди. Қиш фасли узоқ бўлар-миди ёки бизга шундай туюлармиди, бунисини билмадим, лекин баҳорни жуда соғинардик. Бобомга савол беравериб, ҳол-жонига қўямасдим.

Бир кун у «Оч ўлдирма – тўқ ўлдир, қиш ўлдирма – ёз ўлдир», деди. Мен «Бу нима деганингиз? Улишдан олдин қоринни тўқлаб олиш керакми?» дедим. Эвазига «Эҳ, болам-а, ҳали ёшсан, катта бўлсанг, тушуниб оларсан!» деган танбех эшитдим.

Бобом анча кексайиб қолганди. Онам мен билан катта опамни туғишган опаси тарбиясига берганди. Билишимча, бобомга ва холамга кўмакчи бўлишимиз учун шундай қилган экан. Мактабдан келиб, опам билан бирга дарсларни тайёрлаб, ҳовли юмушларига қарашардик. Бобом холамга «Карима, қизим, онангни олдига ёруғ юз билан борай, ҳали ёшсан, турмуш қур», деган гапни кўп такрорларди. Холамнинг жавоби доим тайёр эди. «Мен бир бор турмуш қурганман, онаннинг олдида юзингиз ҳаммиша ёруғ!» дерди.

Карима холам маҳалланинг кайвониси,

ҳар ишда абжир ва чаққон, пазанда ва сўзга чечан аёл бўлган. Эндигина турмушга чиққан кезлари уруш бошланган. Не-не забардаст ўзбек ўғлонлари шу қирғинбарот туфайли ҳалок бўлди, қанчадан-қанчаси бедарак кетди. Хонобод қишлоғидан урушга отланиб, онаизори, суюкли ёри, дилбандлари бағрига қайтмаганлари ҳам талайгина. Улар орасида бобомнинг икки нафар кўеви ҳам бўлган.

Бир кун бобом холамга шундай деди: «Карима, уруш халқимиз бошига катта қулфат келтирди. Опанг Ҳидоят ҳам эридан жудо бўлди. Қудам Зулфия жуда бардошли аёл экан. Беш ўглидан бирортаси қайтмаган бўлса-да, ҳамма кўргуликларга чидаб, келинларига бош бўлиб ўтирибди. Қизим Ҳидоят ҳам қайнонасига тортиди. Дами чиқмайди. Мен эса сизларни уйласам, юрагим эзилиб кетади. Эҳтимол, опанга болалари таскин-тасалли бўлар, лекин сенинг зурриётинг йўқ-ку! Турмуш қурсанг, балки фарзанд кўрарсан. Шунда мен ҳам бу дунёдан рози бўлиб кўз юмарман».

Холамнинг жавоби одатдагидек бўлди: «Ота, мен турмуш қурдим. Бу ёғи пешонамдан. Мана, синглимнинг болалари бор. Шулар бизга суянчиқ, Эримни эса, умримнинг охиригача, сўнгги нафасимгача кутаман, кутишдан асло чарчамайман».

Орадан йиллар ўтди. Холам ҳали-ҳануз эшик томонга умид билан боқарди. Кечки таомдан бир косанини эса алоҳида олиб, устини сочиқ билан ўраб ва бир четга қўйиб қўяр эди...

Ҳа, қонли уруш кекса-ю ёш қалбини бирдек яралади. Бу жароҳат ҳеч қачон унутилмайди, у ҳар он, ҳар сония инсонлар хотирасида яшайди.

Бобом кекса бўлишига қарамай, анча чайир эди. Элга мироб сифатида танилганди. Қолаверса, маҳалланинг бирорта ҳам издиҳоми бобомсиз ўтмасди. У ҳар қандай масалада маслаҳатларини аямасди. Айниқса, деҳқончилик бўйича тажрибаси катта эди. Сувнинг бир томчисини ҳам увол қилмасдан, экинларга қай йўсинда тараш кераклигини оддий йул билан тушунтирарди.

Бир кун иккимиз экинларга обиҳаёт тарадик. Сувнинг йўли ўт-ўланлар билан тўсилиб қолган экан. Шунда бобом «Сувнинг кўзи кўр бўлади. Унинг йўлини аста очиб, ёш бола каби етакласанг, йўригингга юради», деб ариқни хас-хашаклардан тозалади ва сув равон оқишини исботлаб берди.

Уйга қайганимизда холам кечки таомни тайёрлаб, кутиб ўтирган экан. Биргаликда овқатландик. Сўнгра бо-

бом дастурхонга дуо ўқиди-да, «Аттанг!» дея ўрнидан турди. Холам «Ота, нукул шу сўзни такрорлайверасизми?» деб ранжигандек бўлди. Кейин билсам, бобом бу сўзни жуда кўп айтар экан. Холамдан сабабини сўрагандим, у чукур хўрсиниш аралаш «Билмадим», деди. Ортидан «Балки ўша отинг ўчгур уруш бўлмаганида, отам бу сўзни айтмасмиди?...», деб қўшиб қўйди.

Урушдан кейинги йилларда жанрлар акс этган фильмлар телевидение орқали тез-тез намойиш этиларди. Холам уларни бошқачароқ кайфиятда томоша қиларди. Назаримда, кадрлардан кимнидир қидирарди. Эcranга қаттиқ тикилиб қолар ва ора-сира шивирлаб, урушни қарғар эди...

Бир кун қўлимга «Хотира китоби» тушиб қолди. Тошкент вилоятига бағишланган қисмини кўздан кечирдим. Охири тугамайдиган рўйхатдан холамнинг турмуш ўртоғининг исмини изладим ва топдим! Кейинчалик бу исми Мустанқиллик майдонида ўрнатилган Хотира китобида ҳам ўқидим. Афсус, холамга уни кўриш насиб этмади. Бобом саксон тўрт ёшида омонатини топширди. Орадан уч йил ўтиб, холам ҳам олтиш уч ёшда оламдан ўтди. Аммо сўнгги нафасигача нигоҳлари эшикдан узилмади.

Ҳа, бешафқат уруш садоқатда тенги йўқ минглаб-миллионлаб ота-боболаримизни, оналаримиз ва момоларимизни қаттиқ сиримдан ўтказди. Менимча, бугунги ёш авлод оилага, эл-юртга ва Ватанга вафо-садоқатни ҳамда ўзаро меҳр-оқибатни ана шундай оддий, аммо қалби беғубор буюк инсонлардан ўрганиши лозим!

Асрор СУЛАЙМОНОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уйумаси аъзоси



ДАВРА СУҲБАТИ

АЁЛЛАР ҚАДРЛАНГАН ЮРТ

Хоразм вилояти касаба уюшмалари уйда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг Хотин-қизлар кенгаши ҳамда Хоразм вилояти кенгашининг Хотин-қизлар комиссияси касаба уюшмаларининг 120 йиллиги муносабати билан давра суҳбати ўтказди.


«Янги Ўзбекистоннинг янги касаба уюшмалари: Аёл қадрини улуғлашда янги имкониятлар» мавзусидаги тадбирда хотин-қизлар комиссияси аъзолари, ҳамкор ташкилотлар мутасаддилари, оила ва хотин-қизлар бўлимлари раҳбарлари, бошланғич касаба уюшма ташкилотлари етакчилари, депутатлар қатнашдилар.

Масъуллар мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида фикр-мулоҳазаларини баён этишди.

Касаба уюшмалари Федерацияси ва хотин-қизлар комиссияси ташаббуси билан аёллар учун хавфсиз ва саноатликка зарар келтирмайдиган меҳнат шароитлари яратиш, гендер тенгликни таъминлаш, жамоа шартномалари орқали ишловчиларни алоҳида қўллаб-қувватлаш чоралари кўрилаётгани эътироф этилди. 120 йиллик тарихга эга касаба уюшмалари хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, ижтимоий барқарорликни таъминлашда муҳим чоралар кўришда давом этиши таъкидланди.

Бир гуруҳ фаол аёлларга фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Муҳаббат ТҮРАБОЕВА
«ISHONCH»



УМР АЗИЗ – ХОТИРА МУҚАДДАС

ЁДНОМА

ТАҲСИН



Иккинчи жаҳон уруши тугаганига 80 йил тўлапти. У 50 миллион инсоннинг ёстиғини қуритди. Жумладан, минглаб ўзбеклар урушдан қайтмади. Улар орасида зоминлик Авазмат Ниёзматов ҳам бор эди.

Маълумотларга кўра, у Брест қалъасини ҳимоя қилишда қаҳрамонлик кўрсатган. Бир вақтлар шу шаҳарда бўлиб, Авазмат Ниёзматов жанг қилган қалъани ўз кўзимиз билан кўргандик. Ўша вақтда сафар таассуротлари ҳақида батафсил ёзганман. Қуйида уни ўзгартаришларсиз келтираман. Зотан, умр азиз – хотира муқаддас. Мана шу кунларда уруш майдонларида ҳок олиб, жон берганларни ёд этиш, ҳақиқа дуо қилиш ҳам қарз, ҳам фарздор.

Неча йилларки, Холмат Ниёзматов қалбини урушда бедарак йўқолган акасининг хотираси ўртайди. Ундан на бир энлик хат бор, на бошқа бирон-бир хабар. Қаерга дафн этилгани ҳам номаълум.

Йиллар шу зайлда ўтиб кетди. Урушнинг даҳшатли садолари тинганга 36 йил бўлганида ўгли ҳақида хабар эшитиш умидида кун санаган Холбуви момо ҳам оламдан ўтди.

...1981 йилнинг апрели. Холмат ака ўз одати бўйича радиода берилмаётган ҳарбий эшиттиришни тинглаб ўтирибди. Бу галги қаҳрамон айнан Брест



қалъасидаги жанг ҳақида сўзлай бошлади.

«...Қалъа ҳимоясида Зомин районининг Ём қишлоғидан Аваз деган қуролдош дўстим ҳам иштирок этиб, қаҳрамонларча ҳалок бўлди...».

Холмат ака аввал қулоқларига ишонмади. Унга номаълум қаҳрамон эса сўзлашда давом этарди...

«...Қуролдош дўстларимни излапман. Сирдарёда Ём қишлоғида ҳам 4-совхозда яшайман. Мамадамин Ҳожиёв бўламан...».

Шундан сўнг у М.Ҳожиёвга хат жўнатди. Ундан эса «Укам, Холмат-жон, хат орқали ҳамма гапни ёзиш қийин. Акангиз Авазмат менинг яқин дўстим эди. Тезда етиб келинг, бафуржа гаплашамиз», деган жавоб олди. Шу заҳотиёқ уч киши ҳамроҳлигида айтилган манзил томон ошиқди. М.Ҳожиёв Холмат акани бир кўришда ажратиб олди. Дийдорлашувдан сўнг суҳбат бошланди. Хотиралар янгиланди.

Мамадамин аканинг эслашича, Авазмат Ниёзматов Брест қалъаси яқинида, ўзи эса Брест қалъасида

хизмат қилган, иккиси ўзаро дўстлашиб, тез-тез учрашиб туришган. 1941 йилнинг 21 июнида Авазмат ака ўзи хизмат қилаётган 125-ўқчи полк иккинчи батальонининг взвод командири Муҳаммадҷон Абдувалиевдан рухсат сўраб, Мамадаминнинг олдида келади ва қалъада тунаб қолади. 22 июнь тонгида уларни даҳшатли портлашлар овози уйғотади.

Қалъани душманлар қуршаб олишади. 24 июнь кун полк комиссари Ефим Фомина бошчилигида ягона кўмондонлик тузилади. Аскарлар олдида қандай қилиб бўлмасин душманнинг ўт очиш нуқталаридан бирини яқсон қилиб, қалъадан ташқарига чиқиш вазифаси турарди. Шунда Авазмат Ниёзматов қалъага оқиб кирувчи Буг дарёси ирмоғига қарши сузиб бориб, ташқарига чиқади. Ярадор бўлишига қарамай, эмаклаган қўйи, душманнинг ўт очиш нуқтасига граната иргитади. Фурсатдан фойдаланган қалъа ҳимоячилари шарқий дарвозани очиб, ўрмон ичкарасига ўта бошлайдилар. Шу тариқа қалъа ичидаги 8 минг жангчидан 4 минг нафари ўрмон ичига беркинишади. Афсуски, Авазмат ака душманнинг ўт очиш нуқтасини яқсон қилиш чоғида қаҳрамонларча ҳалок бўлади.

Холмат ота акасининг жасоратини аниқлашда бор кучини аямади. Бу йўлда унга 125-ўқчи полк взвод командири Муҳаммадҷон Абдувалиев кўп ёрдам берди. Чунки у Брест қалъасидаги мудофаа музейининг илмий ходими эди. Ўзбекистонлик қалъа ҳимоячилари ҳақида маълумотлар тўплаб, уларнинг шахсини аниқлашда жонбошлик кўрсатди.

1988 йилда Авазмат Ниёзматовнинг қаҳрамонлиги Брест қалъаси илмий совети, СССР мудофаа министрлиги томонидан тан олинди, мрамр плитага зарҳал ҳарфлар билан унинг номи ёзиб қўйилди. Шунингдек, ҳаёти ва қаҳрамонлигини тарғиб қилиш мақсадида музейнинг 9-залидан алоҳида жой ажратилди.

Айни пайтда Юртбошимиз ташаббуси билан уруш қаҳрамонларига катта эътибор қаратилмоқда. Авазмат Ниёзматов яшаб ўтган Ём қишлоғида ҳам унинг жасорати ва ҳаётини акс эттирувчи музей ташкил этилса, айни муддао бўларди. Зотан, Ватан тинчлиги ва эл-юрт равнақи йўлида жонини фидо қилган Авазмат Ниёзматов каби жангчилар бунга муносиб.

Абдусаттор СОДИҚОВ



МЕҲР КЎРСАТИБ, ҚАДР ТОПИБ

Тунни кунга улаб ишлаётган, беморлар дардига дармон бўлаётган шифокорларнинг меҳнати ҳар қанча таҳсинга лойиқ. Бироқ улардан айримлари нафақага чиққанларидан кейин ўзларини бироз эътибордан четда қолаётгандай сезишлари мумкин. Аслида эса меҳр кўрсатган, меҳр кўраркан.

9 май – Хотира ва қадрлар кўни арафасида Соғлиқни сақлаш тармоғидаги тиббий ёрдам маркази тиббиёт фахрийларини қадрлаш, марҳумларни ёд этишга бағишланган «Инсон қадрини унут!» номи меҳр-муруват акцияси доирасидаги тадбирларда бунга гувоҳ бўлдик. Жумладан, Наманган вилоятидаги барча даволаш-профилактика муассасаларида самарали меҳнат қилаётган ёки ҳозир пенсияда бўлган фахрийлар ҳолдан хабар олиниб, ўтганлари ёд этилмоқда. Акция доирасида минг нафарга яқин меҳнат фахрийсига «Қадрнома» ҳамда 152 нафар фахрийнинг оила аъзоларига «Ёднома» ёрлиқлари топширилди.

Одинахон Қосимова кўп йиллардан бери Республика тез тиббий ёрдам марказининг Наманган шаҳридаги филиали шифокори бўлиб ишлаб келмоқда. Беморлар қалбига йўл топиб, дардига дармон бўлганида ундан бахтли инсон йўқ.

– Бугун ҳамкасбларим олдида «Қадрнома» ёрлиғини олиб, шифокор бўлганимдан гурурдандим, – дейди жонкуяр шифокор. – Меҳнатингизга яраша эъозласалар, тўқинлиб кетаркансиз. Муҳими, қасамёдимга содиқлик билан элимиз қорига яраётганимиздан хурсандман.

Анваржон ҲАЛИМОВ
«ISHONCH»



УСТОЗЛАРНИ ЭСЛАБ...

МАШХУР ПИЁДА

Муҳаррирлик йилларим халқимизнинг севимли шоир-ёзувчилари, театр ва кино санъатининг таниқли намоёндалари, рассом, бастакор, ҳайкалтарош ва бошқа ижодкорлар билан бевосита мулоқот қилишга, ҳаёт тарзларини кузатишга муяссар бўлганман. Ҳар бирининг ўзига хос фазилатлари, айрича феъл-атвори хотирамга нақшланиб қолган. Шундай инсонлардан бири Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ артисти Зикир Муҳаммаджонов эди.

Зикир ака адабиёт газетасига санъаткор устозлари, сахнадош дўстлари, иқтидорли шоғирдлари тўғрисида мақола ёзишдан чарчамасди. Кўлёмаларини тахрир қилсақ, ранжмай, биз билан навбатдаги мақоланинг мавзуси хуsusида сўзлашарди. Театр, сахна, актёрлик у киши учун қисмат эди. Ҳар гал тахририятга келганида, биз устозни суҳбатга тортиб, кўпгина «сахна орти» воқеаларини, актёрлик касбининг кўзга кўринмас сир-синоатларини, ичакузди шумликларини билиб олардик. Бу борада Зикир ака устоз Шариф Юсуповдай хазинанинг нақд ўзи эди.

У шоир, ёзувчи ва санъаткорларнинг вилоятларга қилайдиган сафарлари чоғи худди ёш бошловчи актёрлардай, чарчоқ нималигини билмас, ҳаммамиздан эрта туриб, тоза ҳавода сайр қилар ва албатта, бир пиёла чай ичиб оларди. Узокроқ туманга борилмайдиган бўлса, биринчи бўлиб кийинар, йўл тадоригини кўрар, ҳамроҳларини ҳеч қачон куттириб қўймасди.

Очиғи, вилоят ва туманлардаги тадбирлар ҳамма жойда ҳам бир хил савияда ўтмайди: бир жойда ундайроқ, бир жойда мундайроқ. Бир-икки тўй-томашани қизитиб, ўзларини машхур санъаткор деб ҳисоблай бошлаган ёш актёрлар ётоқхона шароити, озиқ-овқат, транспорт ва бошқа айрим масалаларда мезбонларга шикоят қилишса, Зикир аканинг жаҳли чиқиб кетар, шоғирдим, бошқами, аямай танбех берарди. Бирор жойда бўлсин, устознинг иззатталаблик қилганини кўрмаганман.

Бир гал Бухорода учрашувлар ўтказатгандик. Гиждувон туманида белгиланган тадбирга таниқли актёр кечикиб, одамларни анча куттириб келди. Мухлислари обдон меҳмон қилишган экан, меъеридан ортиқча хушчақнақлик қилиб, ҳамманинг гашига тега бошлади. Бу ҳолатга Зикир ака чидаб тура олмай, қаттиқ жериди. «Ҳозир саҳнага чиксан-у, одамлардан кечирим сўрайсан», деди жаҳл билан. «Э устоз, бироз ҳаяллаган бўлсам, нима кипти, мана келдим-ку», дея хиралик

қилганди, «Кечирим сўрамасанг, мени бошқа устоз дема, билдингми?» деб масалани кундаланг қўйди. Калондимоғ санъаткор кечирим сўрашга мажбур бўлди.

Зикир акадан мен... пиёда юришни ўргандим. «Пиёданнинг ўкинчи ва юнанич» деган, ўзимга ҳам ёқадиган мақола ёздим, «Тафаккур» журналида босилди. Шу мақолада «Отлик киши пиёдани кўрмаслиги мумкин, аммо пиёда отлични ҳам, пиёдани ҳам кўради», деган жумла бор эди. Мақола чиққан куннинг эртасига Зикир ака тахририятга кўнгирак қилиб, «Э, барака топгур, шу жойини хуб айтиб-сиз-да», деди. Ушанда бу гапдан бир ҳафта гурурланиб юрганман. Оламдан ўтганида хаёлимга устознинг шу хусусиятлари қайси шоғирдларига қолдйкин, деган фикр келди. Лекин ҳали-ҳануз буни аниқлай олмайман.

АБЖЕМИЛ ОҒАНИНГ «ОВИ»

Ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари адоғида Қозоғистонда ўзбек адабиёти ва санъати кунлари бўлиб ўтди. Одил Ёқубов, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Носир Фозилов, Қаллибек Сейдонов ва мен ўзбек ёзувчилари делегацияси сафида Олмаота шаҳрида қозоқ адаблари билан ижодий мулоқотда бўлдик. Улкан адиб Абжемил Нурпейсовнинг уйда меҳмон бўлганимизда, меҳмонлардан бири ёзувчининг умр йўлдоши — ёши улуг момага қараб, «Қалай, оқоқол инжиқлик қилиб, сизни қўйнаб қўймайтимми?» деган эди, кампирнинг гапхалтаси очилиб кетди. «Э, оқоқол дейсан-а, қариб кўюлмаган чол-ку, кўнгли ёш хотинларни тусаб туради. Бултур бошлаб кўлга туширдим», деди.

Кўлга тушириш воқеаси бундай бўлган экан. Бир кунни Абдужемил оға уйга эртароқ қайтиб, «Ҳой кампир, ов милтиғимни олиб чиқ, халтага егулик сол, ўрдак овлаб келаман», деди. Гап қанақа «ов» устида бораётганини фаҳмлаган кампир халтани турли егуликлар билан тўлдирибди. Милтиқни эса бахмалга ўраб, машинанинг орқа ўриндигига жойлабди.

Алқисса, кўнгли «ов» тусанган адиб шу кетганича уч-тўрт кун деганда, кампирнинг таъбири билан айтганда, «ҳориб-толиб, биров пуф деса, гуппа йиқиладиган аҳволда» қайтиб келибди. Кела солиб: «Ҳой кампир, мана бу ўрдакларни тозалаб қозонга сол», деди.

— Шу ёшингда туяни ҳам мўлжалга ололмайсану, ўрдакларни қандай отдинг? — деб сўрабди кампир.

— Ҳой, шум кампир, гапни кўпайтирмай қозонни оссанг-чи, қорним чулдираб кетди, — деди «овчи».

— Ўрдакларни мен берган милтиқ билан

отдингми? Қандай отганингни бир кўрсат! — ижиқлаб сўрабди кампир.

— Ҳа-да, — дебди чол ва бахмални очибди. Қараса, кампир милтиқнинг ўрнига... қўсовни ўраб солган экан.

— Шу қўсов билан отибсан-да, — дебди кампир чолга ўқрайиб қараб.

«Овчи» шунда ҳам ўзини йўқотмай дебди:

— Ҳа, пойлаб туриб, бошига чунонам туширдимки...

Бундай «қалтис» дамларда, қанийди, ҳам-маям Абжемил оға каби сўзамол бўлса...

ҚОҶҚОҚНИ КЎТАРГАНДА...

Ҳабиб ака деярли барча ижодкорларнинг дўст-қадрдони эди. Наманганга йўли тушган одам шоирнинг уйда меҳмон бўлмай, раҳматли оналаридан дуо олмай қайтмасди. У дўстларини Наманганда соя-салқин жойларда, Тошкентда эса, ўзининг таъбири билан айтганда, «ойланнинг пойтахтдаги муваққат филиалида» меҳмон қиларди.

Ҳабиб акани қизиқиши ёки ҳозиржавоб аскиячи деб бўлмасди, жиддийлиги бор эди, аммо давраларда бирога ўтириб қолсангиз, шунақа тағдор, айни чоғда, ичакузди қочиримлар қилардикки, бир-бирингизга қараб, маъноли кулардингиз.

У кўп йиллар вилоят маданият бошқармасига раҳбарлик қилди. Ҳар қалай, ёмон ишламади. Аммо соҳа раҳбарларидан бирининг битта нордон кесатиғи уёқ-бўёғидан ўтиб кетиб, ариза ёзди-да, ишни топширди. Ҳол-аҳвол сўрагани борсак, «Мен шоир бўлсам, шунча йил маданият соҳасида нима қилиб юрдим ўзи?», деб сўради. Мен ҳазиллашиб, «Ҳабиб ака, сиз маданият соҳасига «маданият» деб эмас, «мода ният» деб келгансиз», дедим. Шоирнинг ўзи ҳам завқланиб кулди.

Ҳабиб ака билан дўст-қадрдонлигимиз боис анча-мунча ҳазил-мутойиба қилиб турардик. Бир кунни уйимизда таъмирчи усталар ишлайётган эди, телефон жириглаб қолди. Гушакни кўтарсам, Ҳабиб ака «Нима қилаяписиз?» деб сўради. Мен аста гап бошладим: — Нанай боғларида етишган қўлинг ўргулсинидан салкам бир қилоча қолган экан, қозонга ташлаб қўйдим, милтиқлаб қайнашни курсангиз эди. Ҳиди йўлақача чиқиб кетди. Иштаҳа қарнай. Ярим соатларда тобига келади.

— Жуда соз, — деди Ҳабиб ака ҳурсанд бўлиб. — Муҳаммаджон билан борапмиз. Эрталаб бир жойда ярим қосадан мастава ичгандик, қоринлар чулдираб кетди. Қўйлиқча яқинлашиб қолдик, тушликни бира қилимиз. Маслаҳатли гап бор.

Кўп ҳаялламай қилишди. Аммо уйдаги

■ ЁНДАФТАРДАН

ҳолатни кўриб, кайфиятлари бироз тушди. Чунки усталар ҳаммаёқни ағдар-тўнтар қилиб ташлаган, оёқ қўядиган жойнинг ўзи йўқ эди. Бунинг устига, ошхона томондан ғалати бир ҳид келаётганди. Мен сўзни қурилиш материалларининг қимматлиги-ю, усталарнинг устамлигидан бошлаб, тушлик ҳақида оғиз очмай, гапни гапта улайвердим. Ҳабиб аканинг тоқати тоқ бўлди. Шофёр йигит Муҳаммаджонга «Бориб қозоннинг қопқоқини очиб кўр-чи, қайнаётган нима экан ўзи?» деб қолди. Мен дарҳол «Ҳа, дарвоқе, Муҳаммаджон, тузини кўриб, ярим қосадан қўйинг, иссиқ-иссиқ ичиб оламиз», дедим.

Муҳаммаджон қозонга яқинлашиб, қопқоқни кўтарди-ю, турган жойида қотиб қолди. Қозонда... олма, ўрик, шафтоли қокиси билқиллаб қайнарди...

ТОШПЎЛАТ АКАНИНГ ҚАЛАМИ

Бухоролик шоир Тошпўлат Аҳмадни бу яқин-атрофда танимаган, билмаган, дастурхонда иссиқ нонни бухороча кўпирма қаймоқча булаб, чай ичмаган одам кам десак, муболага бўлмайди. Тошпўлат ака, худди Наманганнинг Ҳабиби (Ҳабиб Саъдулла), Фарғонанинг Йўлдоши (Йўлдош Сулаймон), Андижоннинг Тўланаиди (Тўлан Низом) адабиётга, дўст-қадрдонларга узок йиллар сидидидилдан хизмат қилди. Бухорога борсангиз, нуфузли ташкилотлар қабулхоналарида, маънавият ва маърифат хоналарида шоирнинг ҳаммага ёд бўлиб кетган шеърларига дуч келасиз. Маъмурулар уларни шунчаки расмиятчилик учун эмас, азбаройи таъсирланганлари учун ҳам катта-катта ҳарфларда ёздириб, деворларга осиб қўйишган. Шоир учун шунинг ўзи катта бахт!

Тошпўлат ака жуда фаол ижод қилди. Шоирнинг Бухорода адабиёт ихлосмандлари билан ҳаяжонли учрашувлар ўтказган устоз адиблар Уйғун, Саид Аҳмад ва бошқа ижодкорлар тўғрисидаги латиф хангомалари кўнгилга олам-олам завқ бағишлайди. Тошпўлат ака учун мамлакатимизнинг турли вилоятларидан келган қаламқаш дўстларига, ўзидан анча ёш, аммо қалами анча танилиб қолган укахонларига ҳам Бухоронинг азиз ва табаррук жойларини кўрсатиш ички маънавий эҳтиёжга айлиниб қолган эди. Бусиз шоирнинг кўнгли тўлмасди.

Бухорога йўлим тушди дегунча, Тошпўлат акани топаман, тўғрироғи, у киши бизни аэропортдаёқ топиб оларди. Очиғини айтсам, Бухорода Тошпўлат акаси ҳеч бир ишинг битмайди, шоир ҳамроҳинг бўлса, ҳамма ташкилотнинг эшиғи очик, қабулхонадагилар «Ичкарига марҳамат» дея очик чехра билан кутиб олишади. У кишининг хонадонидagi самимий суҳбатлар, ҳазил-мутойиба сафар охиригача давом этарди. Бухорони Тошпўлат ака билан кезган киши ҳали бу тупроқдан қадами узилмай туриб, яна келишни ният қилади.

Бир сафар Тошпўлат ака билан Қоракўл туманига бораётганимизда, озгина гинахонлик қилиб қолди: «Аҳмаджон, ўтган йили зўр китоб чиқардим, гўзал шеърларимни киритдим. Сизга ҳам бир нусха юбордим, бошқа дўстларга бердим. Бир киши бир нима мадади-я. Жуда алам қилар экан...»

Гап қайси китоб ҳақида бораётганини билсам-да, қитмирик қилиб, сўрадим:

— Қайси китобингизни айтаписиз, номи нима эди?

— «Қалам ва алам», — деди Тошпўлат ака билинар-билимас ҳўрсиниб.

«Алам» сўзи иккаламизни ҳам кулдириб юборди.

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган журналист

■ ҚАДР

РЎЗИБОЙ БОБО ГИННЕСНИНГ РЕКОРДЛАР КИТОБИГА КИРАДИМИ?

Қашқадарё вилоятдан Иккинчи жаҳон урушида 47 минг 51 нафар, шу жумладан, 95 нафар хотин-қиз қатнашган. Шундан 22 минг 77 нафари ўз юртига соғ-омон қайтган. Улар сафида қамашли Рўзибой Сатторов ҳам бор. Отаҳон аини вақтда 115 ёшда.

— Сталинград фронтда ўқчи бўлиб хизмат қилдим, — дея эслайди у. — Қамалда бўлиб, оғир дамларни бошдан кечирган кезларимиз ҳамон ёдимда. Кунларнинг бирида қаттиқ отишмадан сўнг хушимдан кетиб қолганман. Кўзимни очсам, атрофимда сон-саноксиз инсон мурдалари ётибди. Бундан бир неча дақиқа олдин ўз орзу-ниятларини сўзлаб берган Николайнинг кўзи очик ҳолда жонсиз ётганини кўриб, вужудим титраб кетди.

Ҳа, уруш, ўз номи билан уруш. У неча минглаб бегуноҳ инсонларнинг ёстиғини қуритди. Кимдир отасидан, яна кимдир акаси, укаси, ёридан, энг яқин жигаргўшасидан ажралди.

Рўзибой Сатторов 1945 йили қадрдон қишлоғига қайтди. Элу юрт хизматига бел боғлади. Ўз ишига масъулият билан ёндашиш, ҳалол ва сидидидилдан қилган меҳнатлари сабаб ҳурмат-эътибор топди.

— Ҳаётимдан розиман, — дейди Рўзибой ота. — Беш нафар фарзанднинг отаси, эллик саккиз нафар набира, қирқ икки нафар чевара, саккиз нафар эваранинг бобоси бўлдим. Уларнинг ардоғини ҳар дам хис этиб тураман. Қолаверса, давлатимиз эътиборидами. Мана, яқинда Президентимизнинг уруш ва меҳнат фахрийларига қўрсатаётган гамхўрлигидан кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Вилоят, туман ҳокимликлари, Жанубий-ғарбий ҳарбий округ, мудоффа, давлат хавфсизлик, фавқулодда вазиятлар бошқармаси раҳбарлари, жойлардаги ҳарбий қисм зобит ва аскарлари биздан тез-тез хабар олиб туришибди.

— Ҳозир вилоятимизда 4 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси бўлиб, улардан Шахрисабз туманилик Саъдулла Жабборов 105 ёшда, қасбилик Хайрулла Шерматов 101 ёшда, Шахрисабз шаҳрилик Омон Бобоев 100 ёшда, — дейди Қашқадарё вилояти ҳокимининг фахрийлар бўйича маслаҳатчиси Январ Инотов. — Уларнинг ёши энг улуги Қамашли тумани, Мангит қишлоғида яшовчи Рўзибой Сатторов аини вақтда 115 ёшга қаршилади. Биз узок умр кўриб келатган юртдошимизни Гиннеснинг рекордлар китобига киритиш учун тавсия бердик.

Зотан, ана шундай улуг, табаррук инсонлар бор экан, ҳаётимиз гўзал, юртимиз фаровон бўлаверайди.

Хусан ТЕМИРОВ,
журналист



101 Ёшли Нодир Отаниннг орзуси



Польшадаги жангдaмиз. Қоп-қора осмон остида, қор бoсган далада ётибмиз. Совуқдан суяклар қақшайди. Тўққиз кундан бери тўйиб овқатланмаганмиз. Доимий ҳамроҳим — милтиғим кўлимда. Бир пайт тўсатдан қаршимда душман пайдо бўлди. Юрагим гўё уришдан тўхтагандай эди. Ўқ узишга чоғландим. Хаёлимда ўлдим, дедим, аммо... у ўқ узмади. Бир зумга кўзларимиз учрашди. Эҳтимол, у ҳам мен каби ёш бола, ҳаётдан умидвор ва онасини соғинган эди... Ортига қайтди. Бу бир дақиқалик инсонийлик эди...

Иккинчи жаҳон урушининг бу каби ғамгин ҳикоялари ҳали-ҳамон қалбларимизни титратади. Янгийўл тумани, Қовунчи қишлоғида яшовчи 101 ёшли Нодир Мансуров бугунги тинч ва осейишта кунлар қадрини бошқача ҳис этади, чунки у ўша даҳшатларни ўз кўзи билан кўрган. Биз Нодир ота билан суҳбатлашиш учун уйига йўқлаб бордик.

— 1924 йилда туғилганман. Ўша машъум ёзни яхши эслайман. Оилада кенжа фарзанд бўлиб, ёш йигит эдим, — дейди Нодир ота. — Аксарият болалар қатори дарсликни кетмон тутқичига алмаштирдим. Полиларда туну кун ишлаб, рўзгорга қарашдим. Гарчи уруш юртимизда бўлмасам ҳам бахтиёр болаликни кўрмаганман. Акамни кўп қатори урушга кузатганимиздан кейин қийинчилигимиз янада ортди. Оиланинг бутун масъулияти менинг зиммамга тушди. Аммо урушнинг бадали фақат меҳнат

бўлса қанийди... 1942 йили уйимизга «қоракхат» келди: акам Турдибой Сталинград остонасида шахид бўлганди. Онам ҳеч бўлмасам, Турдибойимнинг совуқ вужудини кучоқласам ҳам рози эдим, дея қуйинди. Акамдан битта қиз ёдгорлик қолганди. Бирок янгам кўп ўтмай оиламиздан бутунлай кетди. Жияним дардимизга малҳам бўлиб турган экан. Хонадонимиз ҳувиллаб қолди.

...1944 йил. Хужжат бўйича 18, росмана 20 ёшга кирганимда урушга чақиринди. Онамнинг кўзларида ёш билан менга тўн кийдираётиб, «Жон болам, юрагинг пок, ниятинг ҳалол бўлса, ўқ ҳам сени четлаб ўтади», деган гапи кечагидек қулоғим остида жаранглайди.

Урушга борганимиздан сўнг, аввало, ҳарбий тайёргарликдан ўтдик. Кейин эса жанговар ҳаракатга — Польшага жўнадик. Ўқчи полкнинг оддий аскари сифатида хизмат қилдим. Ҳар бир

отган ўқим, бoсган қадамимда ўша «қоракхат»ни ёдга олдим.

Урушни эсласам, бир воқеани кўп хотирлайман... Ҳал қилувчи жанг кетаётганди. Снаряд ва миналар портлашдан ер ларзага келар, осмон қора тутунга бурканарди. Ҳозир ҳам кўзларимни юмсам, ўша портлашлар қулоғим остида жаранглайди. Ҳандақда душманга ҳужум қилишни кутиб ўтирган эдик. Ҳар бир сонияда ўлим чанг соларди. Тўрт кун давомида на овқат кўрдик, на уйқу. Аскарлар ниҳоятда чарчаган, аммо жон ширин, тупроқни чангаллаб ўтиришарди. Ҳамқишлоғим Комил ака ёнимизга келиб тушган снаряддан оғир яраланди. Қони юзимга сачради. У сўнгги нафасини олаётганда жойимизни тарк этишга буйруқ бўлди. Афсуски, уни ҳеч бўлмасам кўмиш насиб қилмади...

Отаҳон оғир тин олиб, сўнг сўзини давом эттирди:

— Ғалаба яқин экан. Оғир йўқотишлардан сўнг Польшани душмандан тозаладик. Уруш нафақат ғалаба, балки йиллар давомида кўзда қолладиган ёш ҳам экан. Айниқса, боласини излаётган отани, «Дадам келадими?» дея онасидан сўраган мурғак болаларни кўрганимда, юрагим қайта аланга оларди.

Уруш тугаб, ғалаба эълон қилинган бўлса-да, ўқ овозлари тинмади. 12 май кунини ҳам Чехословакиядаги жангларда қатнашдим. Совет армияси таркибида 1950 йилгача Европаниннг вайрон бўлган шаҳарларини тиклаш ишларида хизмат қилдим.

Ватанга ёруғ юз билан қайтдим. Қовунчи қишлоғининг мусоффо осмони, меҳрли нигоҳлар ва тандирдан узилган иссиқ нон ҳиди урушнинг барча даҳшатларини, бир зум бўлса-да, унуттирди. Афсуски, мен қайганимда онам бу дунёда йўқ эди...

Ғамчи меҳнат арияти, деганлари рост экан. Ўзимни юмушга урдим. Янгийўлдаги ёғмо комбинати, консерва, биохимия заводларида узок йиллар ишладим. 1974 йилда «Хур-

рат белгиси» ордени билан, кейинчалик кўплаб медаллар билан тақдирландим.

Тақдирнинг менга меҳрибонлигини қаранг, Амина исмли садақатли аёл билан ҳаёт йўлимни боғладим. Бир умр бир-биримизга елкадош бўлдик. Гарчи фарзандимиз бўлмасам-да, биргаликда яхши умр кечирдик. Афсуски, аёлим 74 ёшида вафот этди. Бу айрилиқдан сўнг анча пайт ўзимга келолмадим. Кексаликнинг ёлғиз йиллари бунчалар оғир ўтишини ва Яратган эгам умримни бу қадар узун қилишини билмагандим.

Елғизланиб қолганимдан сўнг, атрофимда яна бир меҳр кўрғони пайдо бўлди. Жияним Ҳафизахон ва унинг турмуш ўртоғи фарзандсизлигимни билдиришмайди. Ҳурмат-иззатда умргузаронлик қилияман. Қўни-қўшни, маҳалла-қўй ҳолимдан доим хабар олади.

Муस्ताқиллик йилларида фахрийларга эътибор янада кучайди. Мен «Шухрат» медалли билан тақдирландим.

Бугунги дориламон кунлар қадрига етиш керак. Уруш даврида бундай тинч-осуда ҳаётни оруз қилиш эмас, ҳатто тасаввур этишининг ўзи мушкул эди. Тиним билмасдик. Совуқда музлаб қолмаслик учун қалин қорни қазиб, остига ётиб жон сақлаганимиз. Бугунги ёшларга шуларни айтсангиз, худди эртак тинглаётгандек бўлади, — дейди Нодир ота. —101 ёшда инсонда оруз бўладими, деб сўрадингиз. Ҳа, бўлади. Энг катта орузларимдан бири — Юртбошимиз билан учрашим. Аллоҳ умр берса, бу ҳам амалга ошишига ишонаман.

Хонадонни тарк этар эканмиз, Нодир ота юртимиз тинчлиги, давлатимиз раҳбарининг оқилона сиёсатини алқаб дуо қилиб, шундай деди: «Урушни биз кўрдик, сизлар асло кўрманг! Тинчликнинг қадрини уруш қўрғаним биллади».

Феруза РАҲИМОВА,
Кувонч ТУРАЕВ (фото),
«Ishonch» мухбирлари

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ДАВРИДА

ТАДҚИҚОТ

Маълумки, Ўзбекистон Иккинчи жаҳон урушида фаол иштирок этган ва фашизм устидан қозонилган ғалабага муносиб ҳисса қўшган. Уруш йилларида халқимиз кўрсатган қаҳрамонлик, жасорат ва мардлик намунаси биз учун ҳақиқий жасорат мактаби ва гуруҳ манбаи ҳисобланади. Бу абадий қадриятларнинг аҳамияти вақт ўтиши билан тобора ортиб бормоқда. Шу боис 9 май — Хотира ва қадрлаш кўни сифатида кенг нишонланишида ҳам бисёр ҳикмат бор. Мамлакатимизда Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганлар хотирасини улуғлаш ва эъзозлаш, фашизмга қарши жанглар ҳамда меҳнат фронтида жонини фидо қилган фахрийларга алоҳида эътибор ва ҳурмат кўрсатиш эзгу анъанага айланган ана шу ҳикмат ва қадриятлардан биридир.



Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳам фашизм устидан ғалабага беқиёс ҳисса қўшган. Машғум урушнинг бошланиши кўплар қатори касаба уюшмаларининг зиммасига ҳам улкан масъулият юклади. Уша даврнинг мураккаб шароитларида касаба уюшмалари олдиға асосий ва долзарб вазифалардан бири — ишчиларни фронт буюртмаларини бажаришга сафарбар қилиш, ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш эди. Бу масаладан касаба уюшмалари четда туриши мумкин эмасди. Урушнинг биринчи кунларида ноқулай ҳолатда бўлган касабани муҳофаза қилиш ва сааноат корхоналарида касаба уюшмалари фаоллари йиғилишлари, фабрика- завод ва маҳаллий кўмиталарнинг кенгайтирилган мажлислари ўтказилиб, ташкилот фаолиятини уруш шароитларига мос равишда қайта ташкил этиш, ишчилар ва аҳолининг ҳарбий ҳолатга ва ҳарбий ишларга тайёрлаш масалалари муҳокама этилди ва зудлик билан амалий ишга киришилди.

Хўш, касаба уюшмалари томонидан қандай ишлар амалга оширилди? Аввало, ҳарбий-мудофаа ташкилотлари ихтиёрига ўз балансларида бўлган клублар, стадионлар ва бошқа биноларни тақдим этиб, уларни ҳарбий ўқув базалари сифатида фойдаланиш учун топширилди. Иккинчидан, корхона ва ташкилотларда ҳамшира ва санитария гуруҳларининг ўқув тўғрақлари ташкил этилди. Бу тўғрақларда 1941 йил июлдан 1944 йил апрелгача айнан касаба уюшмалари ёрдами билан 83 489 нафар аскар ва ҳарбий мутахассис тайёрланди, 6000 дан ортиқ захирадаги ҳамширалар, 20 мингга яқин санитария инструктори ва санитария гуруҳлари фаолияти йўлга қўйилди. 3 миллиондан ортиқ киши ПВХО (ҳаво-ҳимоя ва кимёвий ҳимоя) меъёрлари бўйича тайёрловдан ўтказилди.

Уруш бошланиши билан касаба уюшмалари асосий эътиборни ишлаб чиқаришни уруш сааноатига мослаштиришга ва мудофаа маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажминини оширишга қаратишга мажбур эди. 1941 йил 25-26 июнь кунлари ипак сааноати, пойабзал сааноати, тикувчилар, металл буюмлари ва давлат муассасалари каби тармоқ касаба уюшмалари Тошкент ва Самарқанд вилоятларида йиғилиб, 10 соатлик иш кўнига ўтиш, завод ва фабрикаларни ҳарбий маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтказиш бўйича тезкор чоралар кўриш тўғрисида қарор қабул қил-

дилар. Жумладан, Тошкент тепловоз таъмирлаш заводи касаба уюшма кўмитаси уруш бошланган илк кундан оқ фаоллар йиғилишини ўтказиб, заводни мудофаа маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ўтказиш бўйича касаба уюшмалари родини муҳокама қилган, ишчи-ходимларни бирлаштириш, ихтирочилар, илгор ишчиларни сафарбар қилиш орқали меҳнат унумдорлигини ошириш ташаббусини кўтарган эди. Деярли барча корхона ва ташкилотларда жамоа шартномалари қайта кўриб чиқилди, муддатидан олдин топшириқларни бажариш мажбуриятлари олинди. 1941 йил ёз ва куз ойларида кўп-кўп завод ва фабрикалар мудофаа маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мослаштирилди.

Касаба уюшмалари олдидаги яна бир муҳим вазифа — эвакуация қилинган корхоналарни ҳудудларга жойлаштириш ва тезда ишга тушириш эди. 1941 йил 25 августда эвакуация қилинган корхоналарни жойлаштириш, монтаж қилиш ва ишга тушириш бўйича республика ҳукумат комиссияси, кейинчалик вилоят комиссиялари тузилди. Касаба уюшмалари ёрдамида ишлаб чиқариш майдонлари топилди, керакли ускуна, ишчи кучи билан таъминланди. 93 та сааноат ва транспорт корхоналари ускуналари Ўзбекистонга эвакуация қилинди. Улар ёрдамида 47 та янги завод ва фабрикалар барпо этилди, қолган ускуналар мавжуд корхоналарни кенгайтиришга хизмат қилди.

Эвакуация қилинган корхоналар қисқа вақт ичида ишга туширилди. Масалан, Сумск заводи Чирчиқ шаҳрида бир ойда монтаж-

дан чиқди. «Электробель» заводи беш ойда қайта тикланиб, фойдаланишга топширилди. «Электростанок», «Андижанмаш», «Қизил двигатель» заводлари қисқа муддатда ишлаб чиқаришга ўтди.

Эвакуация қилинган 46 та завод ва фабрикада касаба уюшма ташкилотлари қайта ташкил этилди. Масалан, Чкалов номли, «Электромаш», «Қизил Оқсой», «Ўзбексельмаш» ва бошқа корхоналарда касаба уюшмаси кўмиталари таркиби сайланди. Касаба уюшмалари мамлакатимизда кучли мудофаа сааноати шаклланишига катта ҳисса қўшди. Аввало, монтаж ишларини тез яқунлаш мақсадида қурувчи ва бошқа касб вакилларидан иборат ишчилар отрядларини шакллантириш ва уларни корхоналарга тақсимлаш, сафарбар этиш муҳим вазифага айланган бўлса, ишчиларни тураржой, болалар боғчалари билан таъминлаш, уларнинг маиший ва маданий шароитларини яхшилаш касаба уюшмаларидан катта куч ва салоҳият талаб этарди. Бу машаққатли вазифаларни касаба уюшмалари аъло даражада удрлади. Йирик корхона ва заводлар, жумладан, Чкалов номидаги авиазавод ҳам уч ой ичида ишлаб чиқаришни йўлга қўйди, биринчи самолёт тез орада фронтга юборилди.

1943-1944 йилларда республика касаба уюшмалари фаолиятида тизимлилик ошди, аниқ режалаштириш жорий этилди, ҳисоб-саноат-сайловлар ўз вақтида ўтказилди. 1943 йил 4 апрель кўни Фарҳод ГЭС қурилишида биринчи касаба уюшмаси конференцияси ўтказилди, 35 та цех кўмитаси тузилди. Касаба уюшмаси аъзолари сони муттасил ошиб борди, 1945 йил февралга келиб, 4579 нафар аъзо рўйхатга олинди.

Янги сааноат объектлари қурилишида бўлган каби малакали ишчиларни тайёрлаш, касбга ўқитиш ишларида ҳам касаба уюшмалари фаоллик кўрсатдилар. Жумладан, Фарҳод ГЭСда 950 дан ортиқ малакали ишчи тайёрланган бўлса, уларнинг 736 нафари ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқитилди.

«Ангреншахтақурилиш» касаба уюшмаси кўмитаси 6000 нафардан ортиқ қончи ва кон қурилиши мутахассисларини ўқитди. Натижа қутулгандан ҳам аъло бўлди: 1944 йилда 36,5 минг тонна, 1945 йилда 103 минг тонна кўмир қазиб олинди.

1943 йилда Ўзбекистон металлургия заводи ишга туширилишида ҳам касаба уюшмаларининг ҳиссаси катта бўлди. Заводнинг илк кунларида 3000 нафардан ортиқ иш-

чилар касаба уюшмасига аъзо бўлдилар. Касаба уюшмалари иш унумдорлигини оширишга бор куч-ғайратларини сафарбар этди. Натижада С.Нуртдинов, Х.Фаниев каби илгор ишчилар Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлдилар.

Уруш йилларида Чирчиқ кимё комбинати, Кўкөн суперфосфат заводи ва бошқалар ишга туширилди. Олмалик мис эритиш комбинати қурилиши бошланди. Кадрлар етишмаслиги сабабли касаба уюшмалари бу ерда ҳам янги ишчиларни касбга тайёрлашни йўлга қўйди.

Умуман олганда, касаба уюшмалари ёрдамида 1941-1945 йилларда 135 мингдан ортиқ малакали ишчи тайёрланди. Жумладан, 46460 нафар механизатор тайёрланган бўлса, шулардан 25 мингга яқини аёллар эди.

Уруш йилларида Ўзбекистон фронтга 4,8 млн. тонна пахта, 54067 тонна пилла, 1,28 млн. тонна дон, 48,2 минг тонна картошка ва сабзавот етказиб берди. Касаба уюшмалари фашистлардан озод қилинган ҳудудларга ёрдам юбориш ҳаракатларида ҳам ташаббусни ўз қўлларига олган эдилар. Жумладан, Харьков шаҳри аҳолиси учун куртқа, матрас, ёстиқ, оёқ кийими тикилди.

1943 йил март ойида республика МТС ва совхозлари томонидан 1200 та трактор, 600 та уруғ экадиган саялка ускуналари юборилди. Жумладан, Ставрополга 1142 та трактор, 400 та саялка билан бирга, 1124 нафар тракторчи аёл юборилишининг ўзи ҳам касаба уюшмаларининг фаолияти самараси эди.

Бундан ташқари, эвакуация қилинганлар учун китоблар, кутубхона ускуналари, кийим-кечаклардан иборат 500 вагон озиқ-овқат ва маданий буюмлар юборилди.

Касаба уюшмалари корхона ва ташкилотларда фронт учун умумхалқ ёрдами ҳаракатига бошчилик қилдилар. Ишчилар 2-3 кунлик иш ҳақларини мудофаа жамғармасига бердилар. Умуман олганда, уруш давомида Ўзбекистон аҳолиси жуда кўп миқдорда облигация, қимматбаҳо буюмлар, тиллаларни фронт учун ҳада қил-

дилар. Касаба уюшмалари Иккинчи жаҳон урушидаги энг катта хизматларидан яна бири уруш ҳудудларидан эвакуация қилинган аҳоли, жумладан, болалар ва қарияларни жойлаштиришдан иборат эди. Маълумки, уруш йиллари 1 млн. дан ортиқ одам, жумладан, 200 минг нафар болалар эвакуация қилинди. Шунга қўра, 100 та «Болалар уйи» очилди. Етим болалар учун болалар боғчалари, интернатлар ташкил этилди. Уларга 10 минг нафардан ортиқ болалар жойлаштирилди. 69 та ташкилот ва корхона 6000 нафардан зиёд болаларни тарбиялаш учун ўз қарамоғига олди.

Фронтдагиларнинг оилалари учун дам олиш масканлари, боғчалар, квартиралар ажратиш вазифаси ҳам касаба уюшмаларининг зиммасига тушди. 137 400 нафар ўғил-қиз болалар муассасаларига жойлаштирилди. 1943 йилда 50 минг нафар оромгоҳларда дам олдирилди. 56 034 нафар фронтчиларнинг оиласи уй-жой билан таъминланди. Улар учун 192 556 та квартира таъмирлаб топширилди.

Уруш шароитида клублар ва маданият саройлари касалхона ва ётоқхоналарга айлантирилган бўлса-да, қолганларида маданий-маърифий ишлар давом эттирилди. 1945 йилда 242 та клуб, 1329 та «Қизил бурчак», 198 та кутубхона, 857 та чойхона фаолият юритди.

Клубларда илгор ишчилар билан учрашувлар, концертлар, таниқил ёзуви ва актёрларнинг чиқишлари ташкил этилди. 1945 йилда Консерва сааноати касаба уюшмаси томонидан 463 та маъруза, 955 та суҳбат, 83 та кеча, 120 та спектакль намоиши ўтказилди.

Касаба уюшмалари томонидан Самарқанд, Андижон, Бухоро заводларида ҳаваскорлар тўғрақлари тузилди. Урушдаги қийинчиликларга қарамай, халқнинг руҳияти ва кайфиятини кўтариш мақсадида минглаб концертлар ўтказилди.

Тошкент темир йўл касаба уюшмаси маҳсус маданий поезд ташкил этиб, лекторлар, тиббиёт ходимлари, кутубхоначилар, кино ва театр артистларини жалб этган эди.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон касаба уюшмалари Иккинчи жаҳон уруши даврида ҳарбий сафарбарликни амалга ошириш ва оғир шароитда мамлакат иқтисодиётини кўтариш, фронт ортини мустаҳкамлаш, жангчи-аскарлар ва аҳолини руҳлантиришда фаол иштирок этиб, ғалабани таъминлашга улкан ҳисса қўшди.

Ҳаётжон ШАРИПОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси
маслаҳатчиси



Архив суратлари

УЛАР

1000 НАФАР ЭДИ

Маълумки, жа-
дидчилик ҳара-
кати истиқлолга
эришиш, ўзликни
англаш, мил-
латни дунёга та-
нитиб каби эзгу
ва буюк мақсад-
ларни кўзлаган
эди. Жаҳидлар
мероси бугун биз
кураётган ҳуқуқий
демократик дав-
лат ва фуқаро-
лик жамияти учун
пойдевор бўлиб
хизмат қилиши
табиий. Зеро,
Президентимиз
Шавкат Мирзиёев
Таъкидлагани-
дек, уларнинг ғоя
ва дастурлари
Янги Ўзбекистонни
барпо этиш стра-
тегияси билан ҳар
томонлама уйғун
ва ҳамоханг дир.

Олиб борилган изланишлар шуни
кўрсатадики, жаҳид маърифатпарвар-
ларимиз ўлкада фан, таълим ва тар-
бияни юксалтириш билан бир қаторда,
миллий армияни шакллантириш маса-
ласига ҳам жиддий эътибор қаратган-
лар. Улар хорижий давлатлар армияси,
ҳарбий кадрлар тайёрлаш, жанг санъ-



ати ва қуролланиш тизимини чуқур ўр-
ганганлар.

Жаҳидчилик ҳаракати таркибида
100 нафар ҳарбий жаҳид ҳам бўл-
ган. Улар ўша пайтлардаёқ маҳаллий
кадрлардан иборат ҳарбий бўлинмалар
тузиш, қўшинларда янги қарашлар,
жанговар руҳ ва миллий ғурур туйғула-
рини шакллантиришга ҳаракат қилиш-
ган. Миллий озодлик ҳаракати иштирок-
чиларига ҳарбий сир-асорларни ўрга-
тишган.

Афсуски, ўзбек армиясини ташкил
этиш, миллатни ташқи ҳамда ички душ-
манлардан асраш, ватан озодлигига
эришишни мақсад қилган миллий қў-
шин орузмандлари ҳам бошқа жаҳид-
лар қатори турли баҳоналар билан
юртдан узоқлаштирилган. Кейинчалик
ассосиз айблов ва бўҳтонлар билан қа-
тагон қилинган.

Президентимиз «Биз жаҳидчилик
ҳаракати, маърифатпарвар бобола-
римиз меросини чуқур ўрганишимиз

керак. Бу маънавий хазинани қанча
кўп ўргансак, бугунги кунда ҳам
бизни ташвишга солаётган жуда кўп
саволларга тўғри жавоб топамиз. Бу
бебаҳо бойликни қанча фаол тарғиб
этсак, халқимиз, айниқса, ёшларим-
из бугунги тинч ва эркин ҳаётнинг
қадрини англаб етади», дея таъкидла-
ган эди.

Дарҳақиқат, бугун халқимиз озод-
лиги ва ватанимиз равнақи йўлида азиз
жонларини фидо қилган аждодлар хо-
тирасини абадийлаштириш, уларнинг
фаолияти ва меросини янги тафак-
кур асосида ўрганиш ҳамда тарғиб
этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.
Биринчи ўзбек тоғ-отлик дивизияси кў-
мондони Миркомил Миршаропов, Ризо
Ёқубов, Назир Шоликоров, Тошкен-
бой Азизов, Мамадали Алиев, Бурхон
Хамроқулов, Мирзақур Ризқулов, Аб-
дужалил Абдуллаев, Холмат Шукуров,
Убайдулла Толипов, Турғунбой Қирғиз-
боев, Юнус Наримонов каби ҳарбий

айланади. Бу зулмкор ҳукуматни янада
кўпроқ кўрқувга солади.

Эътиборли жиҳати, М.Миршаро-
пов асосини яратган илк ўзбек дивизия-
си янгитлари орасидан кўплаб истеъ-
додли миллий ҳарбий кадрлар ети-
шиб чиқди. Бу дивизия келажакда ўзбек
миллий армиясининг ўзаги бўлиши ке-
рак эди. Унда замонавий армияга хос
барча атрибутлар шакллантирилиб,
артидивизион, мото-мех дивизион, мах-
сус ҳаво кучлари, пиёда, отлик, алоқа
эскадронлари ташкил этилади. Дивизия
оркестри, махсус «Қизил юлдуз» га-
зетаси фаолияти йўлга қўйилади.

Миллат оидинлари Ф.Хўжаев,
А.Икромов, М.Миршаропов аскарларни
миллий кўтаринчилик руҳида тарбия-
лаб, улкан режалар сари бошлар эди.
Дивизиянинг тантанали йиғинларида
Миршаропов шарафига басталанган
«Миршаропов дивизияси, олға бос!»
сатрлари билан бошланувчи мадҳия
янграб эди. «Миршаропов марши»
деб номланган мадҳия нафақат дивизия
ҳарбийларининг, балки бутун ўзбек
ёшларининг сеvimли қўшиғига айлан-
ган эди.

Россия давлат архивида сақланаётган
мазкур маршнинг овозли ёзуви асо-
сида бугун ушбу қўшиқ Қуролли Кучлар
академияси бадий ҳаваскорлик жа-
моаси томонидан қайта тикланди.
Хатто машҳур шоир Максуд Шайхзода
М.Миршаропов кўмондонлик қилган Ўз-
бек тоғ-отлик дивизиясига бағишлаб
ёзган «Ўзбек дивизияси марши» ҳам
куйга солиниб, ижро этилмоқда.

Миркомил Миршаропов доим она
Ватан озодлигини ва халқ ф а -
ровонлигини кўриш орзу-
сида яшади. Бундан
хавфсизраган Қизил ҳу-
кумат 1938 йили Миршаро-
пов ҳамда у каби юзлаб
офицер ва аскарларни қатл
этади. Кўмондон Миршаропов
ўшанда ҳали 38 ёшга ҳам тўлмаган эди.

ҲУҚМ ЎША КУНИЁҚ ИЖРО ЭТИЛГАН

Қатл этилган ҳарбий жаҳидлар ора-
сида Мамадали Алиев ҳам бор эди. У
аскар ва офицерларга отда юриш, қи-
лич билан жанг қилиш сирларини ўрга-
тиш, профессионал ҳарбий кадрларни
тайёрлаш борасида етук мутахассис
сифатида ном қозонган. 41-отлик полк
звондини бошқарар экан, миллий ҳар-
бий бўлинмалар яратиш, уларни мам-
лакатнинг ҳарбий қўрғонига айланти-
риш ҳақидаги ғояларни тарғиб қилган.
Табийки, бу собик совет тузуми намо-
яндаларига ёқмаган.

Мамадали Алиев 1937 йил 17 сен-
тябрь куни 19-ўзбек тоғ-отлик дивизия-

си бўлинмаларида аксилмиллатчи-
лик фаолиятини амалга оширганлигида
айбланиб, қамоққа олинади. 1938 йилда
10 октябрда СССР Олий суди Ҳарбий
ҳайъати қарори билан «айбдор» деб то-
пилиб, ўлим ҳазосига ҳукм қилинади.
Ҳукм ўша куниёқ ижро этилади.

Қатагон қилинганлар орасида та-
ниқли кўмондон Ризо Ёқубов ҳам бор
эди. Зоминда туғилиб, вояга етган Ризо
Ёқубов 35-авиабригада кўмондони бўл-
ган, 1935 йили комбриг ҳарбий унво-
нини олган. 1938 йили Сибирга сургун
қилинган.

19-ўзбек тоғ-отлик дивизияси комис-
сари, сисий бўлим раҳбари Юнус На-
римонов эса 1937 йили қамоққа оли-
ниб, репрессия қилинган.

ГЕНЕРАЛ СОБИР РАҲИМОВ ҲАМ ЖАДИД БЎЛГАН

Шу ўринда яна бир муҳим маълум-
отни айтиб ўтиш жоиз. Биринчи ўз-
бек генерали Собир Раҳимов жади-
дчилик ҳаракати аъзолари сафида
фаол иш олиб борганини далилловчи
манбалар мавжуд. У ўз ҳарбий қоби-
лияти ва маҳорати билан собиқ со-
вет тузуми намоёндалари кўнглида
ғулғула уйғотган. 1938 йил июлида Қи-
зил армия сафидан бўшатилиб, НКВД
тергов органи ихтиёрига топширил-
ган. 1939 йил 1 сентябрда Иккинчи
жаҳон уруши бошлангани сабабли ок-
тябрь ойидан Қизил армия захирасига
ўтказилган. 1940 йил октябрдан ҳар-
бий хизматга тикланган.

УЛАРНИНГ ПОК НОМЛАРИ ҚАЙТА ТИКЛАНДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев-
нинг сиёсий иродаси билан
2021-2024



й и л -
лар да-
во ми да
11 минг 200
нафардан зиёд
қатагон қурбонлари-
нинг номлари оқланди, та-
рихий адолат тикланди. 2024
йил 19 июлдаги «Сиёсий қа-
тагон қурбони бўлган юртдош-
ларимиз ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш,
тарғиб этиш ҳамда уларнинг хотирасини
абадийлаштириш борасидаги ишларни
кенгайтириш тўғрисида»ги қарор ма-
зкур йўналишдаги ишларни янада жадал-
лаштирди.

Унда қатагон қурбонла-
рини номна-ном аниқлаш,
ибратли ҳаётини ўрганиш ва
тадқиқ этиш масаласи аниқ
белгилаб қўйилди. Бу вази-
фалар ижросини таъминлаш
мақсадида Мудофаа вазир-
лиги масъуллигида ишчи гу-
руҳлар тузилиб, шу пайтгача
ёпиқ бўлган архив маълумот-
лари ўрганилди. Ҳозирга қа-
дар архивларда сақланаётган
махфий фонд асосида жа-
ми 43 888 нафар, шундан
21 387 нафар ўзбекистонлик
қатагон қурбонлари (вилоятлар кес-
мида) рўйхати шакллантирилди. Улар-
дан 10 973 нафар (жумладан, «Узай-
хив» агентлигига қарашли ҳудудий
архивлар фондида сақланаётган ҳуж-
жатлар асосида 3 232 нафар) шахсга
доир маълумотларга аниқлик кири-
тилди.

Ўтган давр мобайнида Мудофаа
вазирлиги, Давлат хавфсизлик хиз-
мати, Қатагон қурбонлари хотираси
давлат музейи, Фанлар академияси
Тарих институти, Мудофаа вазири
хузуридаги Жамоатчилик кенгаши,
Қуролли Кучлар академияси, Мудофаа
ва ҳарбий хавфсизлик муаммоларини
ўрганиш институти, «Ғалаба боғи» ёдгор-
лик мажмуаси «Шон-шараф» давлат
музейи масъул ходимлари ва етакчи
мутахассисларидан иборат республика
ишчи органи ва ҳудудий ишчи гуруҳлар
томонидан архивларда сақланаётган 1
515 та иш жилди ўрганилиб, улар асо-
сида жами 1 105 нафар қатагон қур-
бони, 157 нафар отувга ҳукм қилинган,
535 нафар узоқ мuddатга қамалган, 109
нафар қулоқ қилинган, 193 нафар мол-
мулки мусодара қилин- ган, шунинг-
д е к , 1953 йил-
дан

кейинги
даврд
оқланган 111 нафар ўзбеки-
стонлик шахсининг рўйхати шаклланти-
рилди.
Давлат хавфсизлик хизмати
марказий архивида сақланаётган

260 та жиноят иши жилди
асосида 18 260 нафар қатагон қурбони
бўлган шахс рўйхати тузилди.

Албатта, бу борадаги ҳаракатлар,
архив ҳужжатларини ўрганиш ишлари
жадал давом эттирилади. Рақамлашти-
риш ва қатагон қурбони бўлган шахс-
ларга оид электрон маълумотлар ба-
засини шакллантириш, улар асосида
қатагон қурбонларига бағишланган
эсдалик лавҳалари, «Қатагон қурбон-
лари хотираси бурчакларини тайёр-
лаш ишлари режалаштирилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси
Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош
Қўмондонлиги Шавкат Мирзиёев томони-
дан 2023 йил 31 августда Шаҳидлар хо-
тираси хабарларида берилган концептуал
фикр ва тўғриликлар ҳамда 2024 йил 12
январда бўлиб ўтган Хавфсизлик кенга-
шининг кенгайтирилган йиғилишида бел-
гиланган устувор вазифалар ижроси до-
ирасида «Ҳарбий жаҳидлар хотираси
барҳаёт» номли китоб нашр этилди.

Унда 1924-1938 йилларда мил-
лий армияни барпо этиш йўлидаги қа-
рашлари учун қатагон қилинган ўзбек
ҳарбий кадрлари фаолияти архив ҳуж-
жатлари, илмий изланишлар асосида
очиб берилди. Мазкур фундаментал
тадқиқот мустабид тузум даврида бе-
ғуноҳ қатагон қилинган аждодларимиз
хотирасини абадийлаштиришга, улар
фаолияти ва меросини чуқур ўрганиш
ҳамда тарғиб қилишга қаратилган.

Албатта, ҳали бу борада амалга
оширилши керак бўлган ишлар талай-
гина. Мухими, Ватанимиз истиқлоли,
халқимиз озодлиги учун кура-
шиб, шу йўлда жон фидо эт-
ган ота-боболаримиз ҳаёти
ва фаолиятини ўрганиш,
уларнинг номи ва хотира-
сини абадийлаштириш ав-
лодлар зиммасидаги ҳам
фарз, ҳам қарзидир.

Олимжон ЎСАРОВ,
Мудофаа вазирининг
ваатанпарварлик тарғиботи,
маънавий-маърифий ишлар
ҳамда ёшлар масалалари бўйича
маслаҳатчиси

ТАРИХ БИЛАН ЮЗЛАШДИЛАР



Соғлиқни сақлаш
ходимлари касаба
уюшмаси Тошкент
шаҳар кенгаши та-

сарруффидаги му-
ассаса ва ташкилот-
ларда касаба уюш-
малари ҳаракатининг

120 йиллик тантанаси
олдидан турли тад-
бирлар ўтказиб кел-
моқда. Жумладан,

Ўз мухбиримиз

ИЧКИ ТУРИЗМ

Инсон ҳар доим ҳам тўғри гапни қа-
бул қилишга ва хато-камчиликларини
сидқидилдан тан олишга тайёр бўла-
вермайди. Шу боис баъзан айтилган
бир оғиз аччиқ ёки кескин сўз унинг
руҳини синдириши, одамларга ва ҳа-
ётга ишончини сўндириши эҳтимол-
дан холи эмас. Аммо танқидий фикр
санъат даражасидаги юксак эсте-
тик дид билан баён этилса, у дилни
оғритмайди ва шахсининг ижобий то-
монга ўзгаришига туртки бўлади. Ана
шундай ёндашувлардан бири рам-
зий маънода «сўзлар сендвичи» деб
аталган усулдир.

ТАНҚИДНИНГ НАФИС УСУЛИ

Бу усул сендвич, яъни
икки бўлак юмшоқ нон
орасига аччиқ ва шўр ма-
салликлар солиб тайёр-
ланган егулик тузилишига
ўхшайди. Унга кўра, ав-
валига суҳбатдош кўнглига
йўл топиш ва эътиборини
жалб этиш учун ижобий
фикр-мулоҳазалар бил-
дирилади. Кейин асосий
муддаога ўтилади, яъни
ҳақиқат тилга олинади. Бу
танқидий гап оғир бўлиши
мумкин, аммо олдинги
илиқ сўзлар ва охирида
айтилган ижобий мазмун-

даги гаплар унинг салбий
таъсирини енгилашти-
ради, киши кўнглини кўта-
ради ва қалбида умид уй-
ғотади.
Бинобарин, ушбу ус-
луб мулоқот мадания-
тининг юксак шакли бў-
либ, одамлар ўртасидаги
ишончни мустаҳкам-
лашга хизмат қилади.
Бу жараёнда танқид би-
ровни айблаш ёки камси-
тиш эмас, балки руҳлан-
тириш омиллига айла-
нади. Гапираётган киши
аввалига меҳр билан

сўз бошлайди, ҳақиқатни
рўй-рост айтди, охирида
яна юракка илиқлик кири-
тади.
Сирасини айт-
ганда, сўзлар сендвичи
ҳақиқатни дилни ранжит-
майдиган қилиб етказиш,
самимий мулоқотда бў-
лиш, танқид орқали инсон
руҳиятини чиниқтириш
воситасидир.

Шаҳноз МУРТАЗАЕВ,
Ҳуқуқни муҳофаза
қилиш академияси
талабаси

БИЛАСИЗМИ?



МУСОБАҚА

МЕТАЛЛУРГЛАР ВА МАШИНАСОЗЛАР ЗАКОВАТДА БЕЛЛАШДИЛАР

Мамлакатимизда турли соҳа вакиллари ўртасида интеллектуал салоҳиятни ривожлантирувчи ўйинлар тобора оммалашиб бормоқда. Жумладан, Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари заковат мусобақасида ўз билимларини синовдан ўтказишди.

Ушбу турнир ёш ишчилар ўртасида республика миқёсида ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинади. Унда турли корхоналарнинг оддий ишчи-ходимлари ақлий салоҳиятларини ишга солиб, саволларга қўйилмақом қилиб жавоб беришгани бу соҳа вакиллари рақобат касбий маҳоратга, балки кенг дунёқарашга ҳам эга эканликларининг яққол исботи бўлди.

Мусобақанинг асосий мақсади соҳа ходимларининг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий билимларини ошириш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ҳамда ёшлар ўртасида билимларни эгаллашга интилишни кучайтиришдан иборатдир.

Турнир уч босқичда ўтказилиб, якуний республика босқичида Самарқанд, Хоразм, Андижон, Наманган, Фарғона, Жиззах, Навоий ва Тошкент вилоятларидан келган жамоалар ўз иқтидорларини намойиш этишди. Билим ва ақл-идрок, мантикий фикрлаш курашидаги завқ тадбирини янада фаоллаштирди.

— Ходимлар ақлий-жисмоний, руҳий жиҳатдан ҳар томонлама етук бўлиши керак. Айнан заковат интеллектуал ўйини ходимларнинг билим салоҳияти юқори эканлигини, китоб ўқишга қизиқишини, янги изланишларга интилишини намойён қиладиган катта майдон бўлди, — дейди Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Шоикром Исроилов.

Қизғин баҳс-мунозараларга бой бўлган ва юқори кайфиятда ўтган тадбир якунларига кўра, «Jizax ADM» корхонаси жамоаси фахрли 1-ўринни эгаллади. Ғолиб ва совриндорларга ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари топширилди. Мусобақанинг энг кичик иштирокчиси 19 ёшли Камрон Ҳожиакбаров ёш бўлишига қарамай, ўз меҳнат фаолиятини яхши бажариши, билими ва интеллектуал идроки билан бошқаларга ўрнак бўлаётгани алоҳида эътироф этилди.

Диёра РАВШАНОВА
«ISHONCH»

УЧРАШУВ НУРОНИЙЛАР ДАВЛАТИМИЗ ЭЪТИБОРИДА

Халқимиз «Қариси бор уйнинг париси бор», деб бежиз айтмаган. Кексалар — хонадонимиз кўрки. Дуоғўй нуронийларимиз бор экан, юртимиз тинч-осойишта.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Қорақалпоғистон кенгаши узоқ йиллар касаба уюшмаларида фаолият юритган, ҳозирги кунда пенсияда бўлган улугъ ёшли нуронийларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг тажрибасидан самарали фойдаланиш ҳамда муносиб рағбатлантиришга бағишлаб йиғилиш ўтказди. Унда сўзга чиққанлар касаба уюшмалари фахрий-

лари соғлом турмуш кечиришлари учун шароитлар яратиш, уларни қадрлаш борасида амалга оширилган ишлар ва галдаги чора-тадбирлар хусусида фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Таклиф ва тавсиялар асосида галдаги вазифалар белгилаб олинди.

Фотима АБДУРАИМОВА
«ISHONCH»

АНЪАНАВИЙ ҲАМЖИҲАТЛИК РУҲИДА

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Шаҳрисабз шаҳар кенгаши томонидан касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллиги муносабати билан «Уч авлод учрашуви» тадбири ташкил этилди. Унда мактабларда, касаба уюшмалари ташкилотларида раҳбарлик қилган меҳнат фахрийлари, касаба уюшмалари раислари ва ўқувчилар қатнашдилар.

Сўзга чиққанлар касаба уюшмалари тарихи ва ҳозир ишчи-ходимлар манфаатлари ҳимояси йўлида амалга оширилган ишлар ҳақида тўхталишди. Ёш ходимларга устозлик қилган Абдуғафур Назаров ҳамда Дилрабо Эшонбобоева ўз ҳаётини тажрибалари билан ўртоқлашди. Бундай учрашувлар касаба уюшмалари

фаолиятидаги давомийлик ва тажриба алмашувининг ёрқин мисоли бўлиб, ёшлар қалбига устозларга ҳурмат туйғуси янада мустақамлашни эътироф этишди.

Умид ОРТИҚОВ,
Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Шаҳрисабз шаҳар кенгаши раиси

Марҳамат,
ТИНГЛАНГ!



Эркин Воҳидовнинг «Нидо» достони асосида радиотеатр



Режиссёр Жавлон Тошхўжаев.
Матни (муаллиф номидан)
Қодир Махсумов
ҳамда (она номидан)
Зайнаб Садриевалар ўқиган.

Ҳайқираман,
Тоғлар бағридан
Гумбурлаган садо келади,
Она-Ернинг оташ қаъридан
«Ўғлим!» деган нидо келади...

MUASSIS:

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

ISSN 2013-5002

2007-йил 11-январда О'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalarini tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi),

Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDLOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OIYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib — «Ishonch»), Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib — «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'satilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Bo'limlar:

Kasaба uyushmalari hayoti — (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot — (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — (71) 256-85-43
Marketing va obuna — (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:

Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati — (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati — (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati — (+998-99) 500-05-12
Jizzax viloyati — (+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati — (+998-93) 213-09-66
Samarqand viloyati — (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati — (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati — (+998-90) 379-19-70
Toshkent viloyati — (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati — (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati — (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati — (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir:
Abdunabi HAYDAROV

Musahhihlar:
Dilorom XUDOYBERGANOVA, Umida XUDOYBERGANOVA

Sahifalovchi:
Hasan ABDUJALILOV

Bosilgan topshirish vaqti — 22:20
Topshirildi — 22:40

Bahosi kelishilgan narxda

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teritki va sahifalandi.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch 1991@yandex.uz

Nashr ko'rsatkichi: **133**

Gazetaning poligrafik jihatdan sifatli chop etilishiga bosmaxona mas'ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.

Umumiy adadi **32 449 ta**

Shundan: 6 258 nusxasi
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi —
Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;

18 276 nusxasi
«Erudit» MCHJ bosmaxonasi —
Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;

7 915 nusxasi
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi —
Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyu da chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 4 bosma taboq. **Buyurtma G-511**
1 2 3 4 5 6

РЕКЛАМА

UZTELECOM

MyUZTELECOM ilovasida xizmatlar uchun to'lov qiling

va **KESHBEKga** ega bo'ling

MyUztelecom

GET IT ON
Google Play

Download on the
App Store

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.